

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.1**

АНВАРЖОНОВ ХОНДАМИР ДИЛШОДЖОН ЎҒЛИ

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230601-«Давлат молиясини бошқариш»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
доц. Алимардонов Э.

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I боб	САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1.	Саноат корхоналари молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	8
1.2.	Саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишга таъсир этувчи омиллар.....	18
	I-боб бўйича хулоса.....	25
II боб	САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ	27
2.1.	Саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишда молиявий манбалардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	27
2.2.	Ўзбекистонда саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларининг амалдаги ҳолати.....	37
2.3.	Саноат корхоналарининг технологик даражасини баҳолаш ва истиқболлини белгилаш.....	50
	II-боб бўйича хулоса.....	57
III боб	ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.	59
3.1.	Ўзбекистонда саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш.....	59
3.2.	Саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари.....	68
	III-боб бўйича хулоса	74
	ХУЛОСА.....	75
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	80

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон саноат корхоналари жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, рақобатбардошлигини, шунингдек, инвестиция жозибадорлигини ошириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш каби муҳим вазифаларни ҳал этиши тақозо қилинади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг аграр мамлакатдан саноати ривожланган индустриаль давлатга айланиши борасида катта қадам ташланди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий қудратини, олдингидек, аграр соҳа эмас, балки юқори суръатларда таракқий этиб бораётган саноат соҳаси белгилаб бермоқда. Бундай шароитда саноат корхоналарининг узлуксиз молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий хўжаликда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусан, йирик саноат тармоқларини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг кўламда жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Булар ўз навбатида, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигига эришишни тақозо этади.

Мамлакатимизда саноат корхоналарини барқарор ривожлантириш долзарб масалардан бўлиб ҳисобланади. Бу борада мухтарам юртбошимиз И.А.Каримов қуйидагича таъкидлаганлар, “жаҳон бозорида тенг рақобатлаша оладиган ва кейинги босқичда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқ ва корхоналарни жадал

ривожлантириш ҳамда аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарур”.¹

Иқтисодиётни модернизациялашда реал секторда фаолият юритаётган йирик саноат корхоналарига қатор иқтисодий, молиявий имтиёз ва қулайликлар берилмоқда. Натижада, ушбу корхоналарнинг экспортдаги мавқеи имкон даражасида сақланиб қолишига муваффақ бўлиниб, молиявий барқарорлиги таъминланишига қулай шарт-шароит яратилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва ўсиш суръати реал сектор корхоналари барқарорлигига, шу жумладан, молиявий барқарорлигига, уларнинг ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Мамлакатимиз тараққиётининг ижтимоий йўналтирилган бозори иқтисодиёти йўлининг танланиши хўжалик юритиш шакллариининг хилма-хиллиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кучайишини тақозо этади. Бу ҳол республикаимизда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг шаклланиши, хўжалик юритиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли – туман янги шакллариини ташкил топишига ва уз фаолиятини юксалтириб боришига олиб келмоқда.

Саноат корхоналари рақобатдошлигини ошириш жараёнида молиявий муносабатларни оқилона ташкил этиш асосий масалалардан ҳисобланади. Чунки, корхонанинг барқарор ривожланиши молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш, уларни тақсимлашда оқилона молиявий сиёсат юритиш билан узвий боғлиқдир. Ушбу ҳолат ўз навбатида маҳсулотлар рақобатбардошлигига ва сифатига таъсир кўрсатади. Саноат корхоналарининг барқарор ривожланишида улар рақобатдошлигини оширишнинг молиявий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу эса, мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. «Ўзбекистон». Т.: 2015 й. 76 б.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлар Э.Альтман, У.Бивер, Ю.Ф.Брикхэм, Дж.Гэлбрейт, Л.Гапенски, Б.Коллас, Р.В.Колб, М.П.Крейнина, К.Хеддервик²лар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари А.М.Александров, И.А.Бланк, А.В.Бочаров, Э.А.Вознесенский, Т.В.Гуйда, А.В.Грачев, А.В.Графов, П.Н.Жевтяк, В.И.Колесников, Е.В.Кондратьева, А.С.Козак, Д.С.Моляков, Н.Л.Марголина, П.С.Никольский, В.М.Родионова, М.В.Романовский, Б.М.Сабанти, Р.С.Сайфулин, В.К.Сенчагов, Е.С.Стойнова, Н.Г.Сычев, А.Д.Шереметлар³ саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг баъзи жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари Э.А.Акрамов, А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, М.Л.Турсунходжаев, Н.Ҳ.Ҳайдаров, М.Қ.Пардаев, Ш.А.Тошматов, Н.Р.Кузиева, Ж.Зайналов, Н.Хасанов, С.Нажбиддинов, П.Т.Жалилов⁴ каби олимлар илмий ишларида

² Брикхэм Ю.Ф. Энциклопедия финансового менеджмента: пер. с англ. - 5-е изд. - М.: Экономика, 1998. - 823 с.; Брикхэм Ю., Гапенски Л. Финансовый менеджмент. В 2 т. пер. с англ. под ред. В.В. Ковалева. - СПб.: Экономическая школа, 1997. - 407 с.; Коллас Б. Управление финансовой деятельностью предприятия. Пер. с франц. - М.: "Финансы", "ЮНИТИ", 1997. - 654 с.; Колб Р.В., Родригес Р.Дж. Финансовый менеджмент: учебник. Пер. с 2-го англ. изд. - М.: Финпресс, 2001. - 496 с.; Крейнина М.П. Финансовое состояние предприятия: методы оценки. - М.: ДИС, 1997. - 224 с.; Хеддервик К. Финансовый и экономический анализ деятельности предприятий / Международная организация труда: пер. с англ. Д.П. Лукичева и А.О. Лукичевой / под ред. Ю.Н. Воропаева. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 192 с.

³ Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. В 2-х т. Т.1.: учеб. курс. - Киев: Ника-Центр, Эльга, 1999. - 592 с.; Грачев А.В. Анализ и управление финансовой устойчивостью предприятия: от бух учета к экономическому. Учеб. практ. пособие. - М.: Финпресс, 2002. - 208 с.; Графов А.В. Оценка финансово-экономического состояния предприятия // Финансы. - М., 2001. - №7. - С.64-66; Кондратьева Е.В. Анализ финансовой устойчивости предприятия: расчет обобщающего показателя финансовой устойчивости // Экономика и социум на рубеже веков: Сб. тез. участников межвуз. науч. конф. ЧИМГУК - Челябинск, 2004. - С.157-159; Моляков Д.С. Финансы предприятий отраслей народного хозяйства. - М.: Финансы и статистика, 1996. - 382 с.; Родионова В.М. Финансы. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 456 с.; Финансы предприятий. Учебник / под ред. М.В. Романовского. - СПб.: Бизнес-пресса, 2000. - 528 с.; Сабанти Б.М. Теория финансов. Учеб. пособие. - М.: Менеджер, 1998. - 168 с.; Финансовый менеджмент: теория и практика / Под ред. Стояновой Е.С. 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Перспектива, 2003. - 656 с.; Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятий. - М.: ИНФРА-М, 1999. - 343 с.;

⁴ Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: "Молия", 2003. - 223 б.; Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. - Дарслик. - Т.: "Шарк", 2002. - Б. 25-26; Маликов Т.С. Молия: ҳўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. - 288 б.; Ҳайдаров Н.Ҳ.

ўрганилган.

Иқтисодий адабиётда ушбу муаммо устувор даражада алоҳида ташкилот (концерн, уюшмалар ва бошқалар) доирасида ва айрим соҳа йўналишлари (банк тизими, суғурта, молиявий соғломлаштириш ва бошқалар) мисолида тадқиқ этилган. Шунингдек, йирик саноат корхоналари капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни жалб қилишни илмий асослашга қаратилган яхлит, мустақил, махсус тадқиқотларнинг етарли олиб борилмаганлиги ушбу муаммонинг диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқот ишининг мақсади. Саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишининг молиявий жиҳатларини ўрганиш ва шу асосда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун тадқиқот ишида қуйидаги вазифалар қўйилди:

– саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишда молиявий муносабатларни самарали ташкил этишнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;

– саноат корхоналари молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия–солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. –Т.: ДЖҚА, 2005. –46 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. –Т.:ЎзР БМА, 2008. – 38 б.; Пардаев М.К. Молиявий таҳил методологияси. – Самарқанд: СамКИ, 1996. -155 б.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. – Т.:ЎзР БМА, 2008. -41 б.; Жалилов П.Т. Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди дисс...автореферати. –Т.:ЎзР БМА, 2007. -20 б.; Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. Т.: “Академия”, 1999. –192 б.; Зайналов Ж., Сатторов Т. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари // Молия. –Тошкент, 2010. -№2. –Б. 12-17; Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. -Т.:“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. –224 б.

- саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш;
- саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишда молиявий манбалардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишда молиявий ресурсларни жалб қилиш ва фойдаланиш амалиётини ўрганиш;
- Ўзбекистонда саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш;
- саноат корхоналарининг технологик даражасини баҳолаш ва истиқболини белгилаш амалиётини тадқиқ қилиш;
- Ўзбекистонда саноат корхоналари рақобатдошлигини ошириш масалаларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот ишининг объекти бўлиб, саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишда молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Мазкур тадқиқотнинг предмети бўлиб, саноат корхоналари рақобатдошлигини ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот методлари: иқтисодий-статистик, молиявий таҳлиллар, гуруҳлаш ва таққослама таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, эксперт баҳолаш, илмий башоратлаш усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- молиявий барқарорликни таъминлашни эътиборга олиб саноат корхоналари иқтисодий ночорлигини молиявий рисклар ва инқирозлар таъсиридан келиб чиққан ҳолда соғломлаштириш йўллари таклиф этилди;
- саноат корхоналари капиталлашув даражасини оширишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти – саноат корхоналари молиявий барқарорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини янада такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш билан боғлиқ тадқиқотларда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация ишида олинган ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан саноат корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Корхоналар молияси”, “Корпоратив молия” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Саноат корхоналари молиясини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Президентимиз И.А.Каримов ҳозирги кун мамлакат иқтисодиётида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга хорижий сармояларни янада кўпроқ жалб этишга қаратилганлигини айтиб, хорижий сармояларни жалб этмай туриб, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтirmай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар⁵.

Республикаимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, илгари давлат тасарруфида бўлган корхоналарни турли мулкчилик шаклида бўлган корхоналарни тақазо этди, чунки мулк ўз эгасини топмас экан бозор шароитида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқармайди, бозорда ўз ўрнини топиш ҳамда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш самарасиз бўлади. 1991 йил 15 февралда Республикаимизда «Корхоналар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ундан кейин «Ер тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти ва уни қўллаб-қувватлаш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Акционерлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларни химоя қилиш тўғрисида», «қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Хусусий корхоналар тўғрисида» ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилиниб турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг фаолиятини юритишни ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

⁵ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 57.

Бу қонунлар республикаимизга чет эл инвестицияларини кириб келиши учун кенг йўл очиб берди, чунки қонунларда чет эл инвестицияларига жуда хам кўп молиявий енгилликлар бериш кўзда тутилган.

Саноат корхона молияси бу иқтисодий пул муносабатларни пул ҳаракати мобайнида вужудга келиб турли хил пул фондларини ҳосил қилишни билдиради.

Саноат корхона молияси ўз муносабатларини амалга оширишда тўртта гуруҳга бўлинади.

1. Бошқа корхона ва ташкилотлар билан.
2. Корхонанинг ички молияси.
3. Юқори ташкилотлар билан.
4. Молия-кредит тизими билан.

Молия-кредит тизими билан алоқалар қуйидагилар:

1. Хар хил даромаддаги бюджет билан.
2. Банклар билан.
3. Суғурта ташкилотлар билан.
4. Бюджетдан ташқари фондлар билан.
5. Фонд бозорлари билан.
6. Инвестиция фондлари билан.

Саноат корхонаси пул фондлари билан:

- 1 Устав капитали
- 2 Асосий воситалар фонди
- 3 Айланма маблағлар фонди
- 4 Қўшимча капитал
- 5 Захира капитал
- 6 Жамғарма фонди
- 7 Валюта фонди.
- 8 Инвестиция фонди
- 9 Истеъмол фонди
- 10 Амотизация фонди
- 11 Бюджетга тўловлар фонди ва бошқа фондлар

Чет элга экспорт қилинган товарлар учун солиқлардан имтиёзлар бўлди. Экспортдан келган тушумни 30% ини корхонанинг валюта фондига тўғридан тўғри жорий счётага ўтказилди ва уни давлатнинг захира, яъни

валюта захирасига ўтказилади. Корхона ўз соф фойдасини пул фондларига сарфлайди. Корхонанинг фонд бозорлари билан бўладиган муносабатлари турли хилдаги фондларни ҳосил қилиш, уларни шакллантириш ва фойдаланишдан иборат. Масалан: Устав фонди. Устав фондига, ҳисобига корхонанинг асосий воситалари ва айланиш маблағлари шаклланади. Бу корхонанинг ўз маблағларининг асосий манбаси ҳисобланади.

Хиссадорлик жамиятида устав фонди чиқариладиган барча акциялар қиймати билан тенг бўлиши лозим. Иш натижасига кўра устав фонди миқдорини кўпайиши ёки камайиши мумкин, яъни қўшимча акциялар чиқариш ёки уларнинг номинал қийматини ошириш орқали устав фонди кўпайиши мумкин. Муомаладан акцияларни қайтариб олиш туфайли эса устав фондини камайитириш мумкин.

Устав фонди - корхоналарнинг ўз маблағларининг манбаи ҳисобланади.

Бундан ташқари корхоналарнинг устав фонди асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисобига, акцияларни номинал қийматидан кўра баланд нархда сотиш ҳисобига, ишлаб чиқаришга бепул асосий воситаларни сотиб олиш ҳисобига кўпайиши мумкин.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш: асосан чуқур иқтисодий кризис вақтида ва пулнинг қадрсизланиши ҳисобига амалга оширилади, ҳозиргача бизнинг республикамизда асосий воситалар 7 мартадан ортиқ қайта баҳоланган бўлиб, бундай қайта баҳолаш жорий йилнинг 1 январ ҳолатига баҳоланиб келинмоқда.

Захира фонди бу фонд фойдадан ажратмалар ҳисобига ташқил қилинади. Фонднинг асосий мақсади бўлиб, ғавқулотда зарарларни қоплаш, акцияларни қайта сотиб олиш ҳисобланади.

Жамғарма фонди бу фонд корхоналарнинг ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун мўлжалланган. Бу фонд ўз олдига қуйган мақсадига эришиш учун инвестиция фондидан ва амортизация фондидан фойдаланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона молияси ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, объектив категориядир. Лекин хўжалик юритиш амалиётида жамият ижтимоий ривожланиш жараёнига таъсир этиш учун ундан онгли равишда фойдаланади. Маълумки, саноат корхоналари молияси иқтисодий моҳиятига биноан мутлоқ категориядир. Бирок, иқтисодиётда молиядан ижтимоий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Молиянинг шундай фойдаланиш имконияти уларнинг табиатида мавжуд. Ушбу категория моҳиятини тўла-тўқис билиш эса ижтимоий ишлаб чиқаришда молиявий маблағлардан баракали ва кучли фойдаланиш имконини беради.

Молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг мутлоқ шарт-шароитлари шу категориянинг тақсимлаш ва назорат функцияларида акс этгандир. Улардан биринчиси, молиявий маблағлар ва мақсадли пул фондларини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумий эҳтиёжлари ва алоҳида тузилмалари талабларига биноан шакллантириш имконини беради. Иккинчиси (молиявий маблағларнинг муомаласи воситасида) жамиятдаги иқтисодий жараёнларнинг боришини акс эттириб, иқтисодиётда ва унинг айрим соҳаларида рўй бераётган барча жараёнларни беҳато қайд этиб боради.

Молия муносабатларнинг у ёки бу шакли шундай хусусиятга эгадир. Сифат жиҳатдан молиядан ижтимоий ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг объектив шарт-шароитларини рўёбга чиқариш молиявий маблағлар муомаласи қандай аниқ шаклларда рўй беришига боғлиқ бўлади. Айтиш керакки, ташкилий шакллар туфайли молиявий маблағлардан фаол фойдаланишнинг потенциал имкониятлари реал воқеликка айланади. Кундалик хўжалик фаолиятида молиявий маблағлар категориясининг ўзигина эмас, балки молиявий муносабатлар юзага чиқишининг аниқ шакллари муҳим бўлиб, бу хилма-хил шакллар давлат томонидан белгиланади. Молия категориялари ва уларнинг юзага чиқишининг ташкилий шакллари ўртасида катта фарқ бор: биринчиси ҳамيشа объектив

бўлиб, мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттиради, иккинчиси субъектив бўлиб, одамлар фаолияти билан боғлиқ.

Ташкилий шакллар туфайли молиявий маблағлардан иқтисодиётни бошқаришнинг фаол воситаси, иқтисодий кучли омил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу восита иккита бошланмага эга: биринчидан, у объектив мавжуд иқтисодий муносабатларга боғлиқ, иккинчидан – давлатнинг қатъий молиявий сиёсатини амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

Молиявий маблағлардан иқтисодий омил сифатида фойдаланиш, уларнинг жамоат ишлаб чиқаришига таъсири даражаси айти шу категориянинг моҳияти билан белгиланади.

Молиявий маблағларнинг иқтисодий табиати, уларнинг ижтимоий вазифалари шундай чегараларни ҳам шарт қилиб қўядики, бунда молиявий маблағлар ижтимоий ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида қўлланилади. Молиявий маблағлар хўжалик юритишнинг иқтисодий омили сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришга сифат ва миқдорий жиҳатдан таъсир кўрсатади. Миқдорий жиҳатдан таъсир – сарфланган, тақсимланган ва фойдаланилаётган молиявий маблағлар нисбати билан характерланади, сифат жиҳатдан таъсир эса – ишлаб чиқариш жараёни қатнашчиларининг моддий манфаатларига молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари орқали молиявий таъсир кўрсатишда акс этиши билан белгиланади. Ижтимоий ёки жамоат ишлаб чиқаришига миқдор жиҳатидан таъсир кўрсатиш имконияти яратилган ва тақсимланаётган молиявий маблағларнинг ҳажми билан белгиланади. Молиявий маблағларнинг ҳажми ва уларни тасарруф этишга йўналтириш ишлаб чиқаришнинг қўшимча воситаларини тақсимлаш (улар билан улгуржи савдо қилинган тақдирда), корхонанинг техникавий таъминланганлиги даражаси ва бошқалар нисбатига таъсир кўрсатиши мумкин. Хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдирилган молиявий маблағлар миқдорини ўзгартириб, маблағлардан ниҳоятда самарали

фойдаланиш йўллари бeлгилаб, молиявий маблағларни энг муҳим соҳаларга йўналтирилишига эришиб, жамият ишлаб чиқариши ўз талабига мос йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатади. Молиявий маблағларнинг сифат жиҳатидан қайта ишлаб чиқариш жараёни катнашчиларининг моддий манфаатларига таъсир кўрсатиш имкониятларига боғлиқ бўлиб, молиявий ҳатидан таъсир кўрсатишда молиявий маблағларнинг йириклиги эмас, балки қай тариқа шакллантирилиши, уларнинг ҳаракати ва ҳаракатланиши, улардан фойдаланиш қандай шакл ва шарт-шароитларда рўй бeрилиши муҳимдир, сифат таъсири молиявий маблағларнинг иқтисодий тараққиёт стимулига айланиши билан боғлиқ. Агар молиявий маблағларни шакллантириш тартиби, пул фондлари ва шакллантириш шартлари, қоидалари ва усуллари, шунингдек уларни йўналтириш хилма-хил хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари билан уйғунлаштирилгандагина шундай айланиш содир бўлади.

Молиявий маблағларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга миқдор ва сифат жиҳатидан таъсир кўрсатиш имкониятларидан яқин вақтларгача тўла фойдаланилмади. Яқин ўтмиш шундан далолат бeрадики, хўжалик юритишнинг қуйи бўғини, ўрта ва олий ҳокимият табақаларида ҳам фаолиятнинг молиявий томонига бeписандлик билан қараб келинди. қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида яхши иш натижалари ҳисобига йирик миқдорларда молиявий маблағларнинг олиними саноат корхоналарига ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техникавий ва технологик янгилаш, маблағларни ўзлари истаган соҳаларга сафарбар этиши имконини бeрар эди. Молиявий маблағлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат режасига кўра олинар ва тақсимланарди, бунда муайян корхонада хўжалик юритиш самарадорлиги инобатга олинмас эди.

Молиявий маблағларнинг жамоат ишлаб чиқаришига миқдор жиҳатидан таъсир кўрсатиши имкониятларига ҳам шундай эътиборсизлик

қилинди. Молиявий тизимнинг барча соҳалари ва бўғинларидаги молиявий муносабатлар шакллари бир неча ўн йиллар мобайнида жиддий ўзгармаганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Ваҳоланки, улар хўжалик самарадорлигини ошириш вазифаларидан келиб чиқадиган талаблардан жиддий орқада қолган эди. Саноат корхоналарнинг бюджетга тўловлари фискал хусусиятга эга бўлиб, даромадни тақсимлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларини шакллантириш самарали хўжалик юритишдан манфаатдорликка деярли таъсир кўрсатмасди, бюджетдан молиявий таъминлаш боқимандалик ва молиявий маблағлардан фойдаланишда масъулиятсизлик кайфиятларини кучайтирарди.

Шу сабабли, 90 – йилларга келиб, иқтисодиётда молиявий муносабатларнинг барча тизимларини кескин қайта қуриш давр талаби бўлиб қолди. Туб ўзгаришлар ва ислохотлар молиявий ўзаро муносабатларнинг шундай шаклларига ўтиш имкониятини берадики, улар иқтисодиётда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари қоидалари асосида фаолият кўрсатишга муваффақ бўлиб, молиявий маблағлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради, уларнинг ўсиши учун асос яратади. Молиявий соҳадаги ўзгаришларнинг ютуғи кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришга молиявий маблағлар таъсири учун иқтисодий имкониятлар таъминланишига боғлиқ бўлади. Молиявий маблағлар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Гап бу имкониятни ниҳоятда пухталиқ билан тўла-тўқис ҳисобга олиш, уни имкон қадар максимал амалга оширишдадир.

Саноат корхоналари молиявий маблағлари корхона иқтисодиётга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу икки нарсага боғлиқ. Биринчидан, молиявий маблағлар тақсимот категорияси бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнига умумий хизмат кўрсатади, уларнинг таъсир доираси тақсимот, айирбошлаш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа даражаларига таъсир билан чекланмайди. Ва иккинчидан, молиявий маблағлар тақсимлаш

хусусиятидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларнинг катализатори хусусиятига эга экани билан белгиланади.

Молиявий усул билан амалга ошириладиган тақсимот моддий ишлаб чиқариш соҳасидан бошланади ва моддий ишлаб чиқариш жараёнининг тўрт босқичи билан белгиланади. Бунда айти маҳсулот ишлаб чиқариш босқичи ҳал қилувчи босқич бўлиб, шу босқичда ижтимоий маҳсулот яратилади. Тақсимот босқичи ишлаб чиқариш билан яқиндан боғлиқ бўлиб, унга бевосита дахлдордир, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотнигина тақсимлаш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш – бу барча ишлаб чиқариш харажатларини хўжалик субъектлари ва давлат қўлидаги молиявий ресурслар ҳисобига қонлашдир.

Молиявий ресурслар – бу ЯИМ ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг қўлидаги у ёки бу вақтда бўлган пул даромадлари ва жамғармалари йиғиндисидир.

Молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, унинг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш масштаблари қанча йирик, унинг самарадорлиги юқори бўлса, молиявий ресурсларининг ҳажми шунча катта бўлади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришга жалб қилинган молиявий ресурслар унинг ўсишига ва такомиллашувига шарт-шароит яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари фаолиятини асосий молиялаштириш ресурсларнинг манбалари қуйидагилардир:

1. Соф даромад. Саноат корхонаси ялпи даромадининг соф даромад қисми молиявий ресурсларнинг асосий манбаси ҳисобланади.

2. Ташқи иқтисодий алоқалардан тушумлар. Бу манбага айтиқса, мустақиллик йилларида алоҳида аҳамият берилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг 1-босқичидаёқ (1992-94 йиллар) Ўзбекистон БМТ, ХВФ,

Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа Иттифоқи Комиссияси каби нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан фаол иқтисодий ҳамкорлик қилмоқда. Дастлаб ХВФдан 74 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкидан 160 млн. АҚШ доллар, 1993-94 йил ичида 21 мамлакатдан жамми 75 млн. доллар миқдорда турли мақсадларга мулжалланган ёрдам олинди. Ташқи савдо обороти йилдан йилга ошиб бормоқда.

3. Корхона устав фондининг бир қисми – устав капитали маблағларининг йилдан-йилга ўтувчи қолдиқлари.

- суғурта ташкилотларидаги резерв фондлари;
- корхона тасарруфиджа бўлган қиммали қоғозларни бир қисмини сотишдан тушган тушум;

- ортиқча мулкларни сотишдан тушум ва бошқа.

4. қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлар:

- банк кредитлари;
- кредиторлик қарзлари;
- давлат ва хорижий ўамда халқаро ташкилотлар грантлари
- акция ва облигациялар чиқаришдан тушум;

Молиявий муносабатларнинг турли-туманлиги молиявий ресурсларнинг ҳам турли-туманлигини келтириб чиқаради. Молиявий ресурсларнинг асосий элементлари қуйидагилардир:

- фойда;
 - турли солиқлар (ҚҚС, акцизлар, фойда солиғи, мулкый солиқлар, даромади);
 - суғурта ташкилотларининг маблағлари;
 - амортизация ажратмалари;
 - ташқи иқтисодий алоқалардан тушум;
- аҳолидан тушумлар.

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Молиявий ресурсларнинг ўсиши саноат корхонаси даромадининг ҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, даромаднинг ўсишига

таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигининг ошиши.
2. Меҳнат унумдорлиги.
3. Фонд сиғимининг камайиши.
4. Фонд қайтимининг ошиши.
5. Фонд билан қуrollанишнинг яхшиланиши.

Шунингдек, саноат корхонаси молиявий ресурсларининг ҳар бир элементларининг ошишига таъсир қилувчи омиллар корхона молиявий ресурсларининг абсолют ва нисбий миқдорларда ўсишига таъсир кўрсатади.

Саноат корхоналари ихтиёридаги молиявий ресурслар марказлашмаган молиявий ресурслар бўлиб, улар:

- капитал қуйилмаларга;
- айланма маблағларнинг ошишига;
- фан - техника ютуқларини жорий қилишни молиялаштиришга;
- табиат муҳофазасига ва ижтимоий мақсадларга сарфланиши

мумкин.

1.2. Саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишга таъсир этувчи омиллар

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил

этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш; бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш; замонавий ва энг қулай тартибга эришиш; маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш; хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш; ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат муҳити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти; мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Ўзбекистон саноатининг ривожланиш хусусияти саноат тармоқларининг қайта ишлаш соҳаларида фонд қайтими ва меҳнат унумдорлигининг жадал ўсиш тенденциясига эришганлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиши саноат бўйича 2005-2013 йилларда 9 фоизни ташкил қилди. Машина қурилиши, енгил, озиқ-овқат тармоқларида ўсиш даражаси анча юқори бўлган (ўртача 15,4 фоиз), ёқилғи-мойлаш тармоқларида 3,4 фоизни ташкил қилди. Қайта ишланиш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқларда фонд қайтими жадал ўсиш даражасида ижобий тенденция кузатилган. Бу тармоқларда фонд қайтими ўртача 1,8 марта, шу жумладан,

машина қурилишида 2,0 марта, енгил саноатда 1,5 марта, озиқ-овқатда 1,7 марта ортган.

Қайта ишлаш тармоқларида биринчи категорияли кучли рақобатбардош гуруҳга саноатнинг қуйидаги хом-ашё ва қазиб чиқариш секторлари киради: нефть-газ, рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш саноати. Ушбу тармоқлар ҳиссасига мамлакат саноат экспортининг 70 фоиздан ортиғи тўғри келади. Ташқи бозорда тармоқни рақобатбардошлигини акс эттирувчи кўрсаткич ҳисобланган умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт маҳсулотлари улуши ўсиш тенденциясига эга: рангли металлургияда 72 дан 85 фоизга, қора металлургияда 28,2 дан 55 фоизга, нефтегазда 20,1 дан 47 фоизга, пахта тозалашда 87 дан 90 фоизга ўсган. Ушбу тармоқларнинг рақобатбардошлик индикатори бошқа ишлаб чиқариш турларига нисбатан анча юқори ҳисобланади.

1.2.1-жадвал.

Ўзбекистонда рақобат афзаллигига эга бўлган саноат тармоқлари⁶

Гуруҳлар	Иқтисодиёт секторлари	Иқтисодиёт тармоқлари	Рақобат афзалликлари
Кучли рақобат мавқеига эга бўлган тармоқлар	Хомашё ва қазиб чиқариш	Рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш, нефть-газ, оғир саноат	Юксак рақобатдошлик афзалликларига эга
Нисбий рақобатдошлик мавқеига эга бўлган тармоқлар	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	машинасозлик, автомобилсозлик, енгил, кимё, озиқ-овқат	Нисбатан паст рақобатдошлик афзалликларига эга
Потенциал рақобатдошлик мавқеига эга тармоқлар	Юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Микроэлектроника-ахборот комплекси, фармацевтика, микробиология	Потенциал ривожланган рақобатдошлик афзалликларига эга

⁶ Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktariaPress, 2012. С. 29.

Иккинчи гуруҳ рақобатбардошлик салоҳиятига эга бўлган истемол товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларга қуйидагилар киради: енгил саноатнинг қайта ишлаш тармоқчалари, озиқ-овқат саноати, автомобилсозлик. Маҳаллий истемол товарлари рақобатбардошлиги индекси ҳам ашё ишлаб чиқаришдаги шаклланган рақобатбардошлик кўрсаткичига нисбатан бирмунча паст. Умумий ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт маҳсулотларини енгил саноатдаги улуши 35 фоиз, машинасозликда 25,5 фоиз, озиқ-овқат саноатида 5 фоиз. Ушбу тармоқларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги саноатнинг ўртача даражасидан тахминан 20-25 фоиз паст ҳисобланади.

Умуман олганда саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини пастлиги муаммоси сақланиб қолмоқда. Қайта ишлаш сектори тармоқларидаги асосий маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ички харажатлари жаҳондаги ўртача нарх даражасига яқинлашиб қолган ҳолда, баъзи маҳсулотлар турлари бўйича ўртача жаҳон баҳосига нисбатан юқори. Ушбу тенденция моддий техника ва энергетика харажатлари улушини юқори даражада сақланиб қолаётганлиги билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш ва рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Саноатда инновацион фаолият юрита оладиган кадрлар тайёрлаш, тармоқларда илғор технологияларга асосланган чуқур технологик модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни амалга ошириш, янги технологияларни яратиш имконини берувчи тизим билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек: “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий

жихатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда”⁷.

Дарҳақиқат, мамлакатни модернизациялаш, саноат тармоқлар рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишини таъминлашда рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари турли хил омилларга асосланган ўзаро боғлиқ жараёнларни ўзида намоён этади. Ушбу жараёнлар ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади.

Қўшма корхонанинг рақобатбардошлигини оширишга таъсир қилувчи салбий омиллар бошқа омилларнинг ижобий таъсирини пасайтиришига олиб келади, бундан ташқари, бир омилнинг таъсири муайян шароит ва ҳолатларга қараб турлича бўлиши мумкин. Таъсир қилувчи омилларнинг хилма-хиллиги уларни таснифлаш, яъни турли белгиларга қараб қуйидаги гуруҳларга тақсимлаш имконини беради:

⁷ Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза \\\ “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь.

- келиб чиқиш жойига кўра ташқи ва ички;
- таъсир этиш вақтига кўра доимий ва ўзгарувчан;
- аҳамиятлилик даражасига кўра бирламчи ва иккиламчи омилларга ажратилади.

Саноат корхоналарида рақобатбардошлигини оширишга бир вақтнинг ўзида бозор муносабатларининг субъекти ва объекти сифатида иштирок этиши, шунингдек у турли омиллар динамикасига таъсир этишнинг турли имкониятларига эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларни ички ва ташқи омилларга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Ички омиллар бевосита саноат корхоналари фаолиятини бошқаришда юзага келадиган тизим билан боғлиқ, ташқи омиллар эса корхоналарга деярли боғлиқ бўлмайди ва корхона уларга сезиларли таъсир кўрсатмайди. Жумладан, саноат тармоқларида рақобатбардошликни оширишга таъсир этувчи ички омиллар қуйидагилардан иборат:

- мол-мулкнинг ҳолати (ўлчами, таркиби, тузилиши);
- молиявий ресурсларнинг ҳолати (ўлчами, таркиби, тузилиши);
- бошқариш салоҳияти (ташкилий, молиявий ва инновацион);
- кадрлар салоҳияти (ихтисослиги, мутахассислиги ва савияси);
- маркетинг салоҳияти (ички ва ташқи бозорлар);
- илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини ташкил этиш даражаси.

Айниқса, беқарор иқтисодиёт шароитида мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолат барча тармоқларда юзага келадиган ноқулай вазиятнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Ушбу саноат тармоқларида рақобатбардошликни оширишга таъсир этувчи ташқи омилларнинг асосийси ҳисобланиб, қолганлари қуйидагилардан иборат:

- инфляция, валюталар курсининг ўзгариши;
- солиқ, кредит-молиявий, божхона, суғурта, инвестиция сиёсати;
- мамлакатнинг илм-фан салоҳияти;

– тўлов қобилиятининг талаб даражаси ва динамикасининг ўзгариб туриши;

– ички ва ташқи талабнинг ўзгариши.

Фикримизча, саноат тармоқларида рақобатбардошликни оширишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятларни ажратиш лозим:

– ташқи ва ички омилларнинг ўзаро боғлиқлиги;

– ташқи омиллар таъсирининг кучайиши ва уларнинг мураккаблиги;

– корхоналар фаолиятига таъсир этувчи омил тўғрисида ахборот ва унинг ишончлилиқ даражасидаги ноаниқлик, яъни ташқи ахборотлар қанчалиқ ноаниқ бўлса, у ёки бу ташқи омил қандай оқибатларга олиб келишини аниқлаш шунчалиқ қийин бўлади.

Саноат тармоқларида рақобатбардошликни оширишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашиш ва рақобатбардошликни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва технологияларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун тўлиқ янги технологик жараёнларни яратиш ва қўллаш орқали маҳсулот сифатини ошириш, хом-ашёдан фойдаланишни яхшилаш ва хом-ашё базасини кенгайтириш;

– ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, техник ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида мавжуд тизимни такомиллаштириш;

– ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш даражасини ошириш, технологик жараёнларни бошқаришда автоматлашган тизимни яратиш;

– тармоқда ихтисослашув ва кооперация алоқаларини янги усулларида кенг фойдаланиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишга, мамлакат табиий бойликларида

оқилона фойдаланиш, саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини ва мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ошириш, тармоқнинг фаолиятини барқарор ривожлантириш пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини ошиши ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишига имкон яратади.

I-боб бўйича хулоса.

Саноат корхоналари молиявий маблағлари корхона иқтисодиётга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу икки нарсага боғлиқ. Биринчидан, молиявий маблағлар тақсимот категорияси бўлгани ҳолда, ишлаб чиқариш жараёнига умумий хизмат кўрсатади, уларнинг таъсир доираси тақсимот, айирбошлаш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа даражаларига таъсир билан чекланмайди. Ва иккинчидан, молиявий маблағлар тақсимлаш хусусиятидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларнинг катализатори хусусиятига эга экани билан белгиланади.

Молиявий ресурсларнинг ҳажми ва таркиби ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига, унинг самарадорлигига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқариш масштаблари қанча йирик, унинг самарадорлиги юқори бўлса, молиявий ресурсларининг ҳажми шунча катта бўлади. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришга жалб қилинган молиявий ресурслар унинг ўсишига ва такомиллашувига шарт-шароит яратади.

Молиявий ресурсларнинг ўсишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Молиявий ресурсларнинг ўсиши саноат корхонаси даромадининг ҳажми ва унинг ўсишига боғлиқ экан, даромаднинг ўсишига таъсир этувчи барча омиллар молиявий ресурсларнинг ҳам ўсишига таъсир кўрсатади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигининг ошиши.
2. Меҳнат унумдорлиги.
3. Фонд сиғимининг камайиши.
4. Фонд қайтимининг ошиши.
5. Фонд билан қуролланишнинг яхшиланиши.

Иқтисодиётнинг саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш ва рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Саноатда инновацион фаолият юрита оладиган кадрлар тайёрлаш, тармоқларда илғор технологияларга асосланган чуқур технологик модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни амалга ошириш, янги технологияларни яратиш имконини берувчи тизим билан характерланади.

Фикримизча, саноат тармоқларида рақобатбардошликни оширишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятларни ажратиш лозим:

- ташқи ва ички омилларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- ташқи омиллар таъсирининг кучайиши ва уларнинг мураккаблиги;
- корхоналар фаолиятига таъсир этувчи омил тўғрисида ахборот ва унинг ишончлилиқ даражасидаги ноаниқлик, яъни ташқи ахборотлар қанчалик ноаниқ бўлса, у ёки бу ташқи омил қандай оқибатларга олиб келишини аниқлаш шунчалик қийин бўлади.

II БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ

2.1. Саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишда молиявий манбалардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлар

Бозор муносабатлари шароитида саноат корхонаси ишлаб чиқаришини молиявий таъминлаш молиявий манбаалардан бири корхона томонидан муомилага чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар бўлиши мумкин. Бундай қимматли қоғозларга акция, облигация, вексель ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Акция хусусий ҳужжат сифатида биргаликда эгалик қилиш ҳукукини қайд қилиш билан бирга барча хиссадорлик капиталининг умумий суммасида эгалик улушни ҳам қайд қилади. Шунинг учун акция ўзгарувчан даромад ҳукукини берадиган қимматли қоғоз бўлиб, унинг ўсиш ёки камайиш суръати барча хиссадорлар учун умумийдир, аммо ўз эгасини оддийгина хўжалик юритувчи эмас, балки, бошқарув қарорларини қабул қилувчига айлантиради.

Қимматли қоғозлар тизимида акциялар катта роль эгаллайди. қимматли қоғозларнинг ушбу тури бозордагина эмас, балки ҳар қандай портфелда, ҳамма жойда маълум ва машҳур бўлиб, инвестицион капитални жалб қилишнинг муҳим манбаидир. Шу билан бирга Ўзбекистонда фонд бозорида акцияларнинг ролини ортикча бўрттириш мумкин эмас, чунки бозор эндигина шакллланмокда, унинг устига қимматли қоғозларнинг иккиламчи обороти мавжуд эмас. Худди шундай шароитда акциялар ўзининг энг муҳим афзаллигини – қарзини ўзини хусусиятини йўқотади. Натижада ҳам инвестиция, ҳам эмиссия таваккалчилиги анча ошади. Ҳукукий ҳужжат бўлмиш акциялар қимматли қоғозлар бозорида энг мураккаб иктисодий муносабатларни бошқаради, уларнинг бир маромда қўлланилаши ривожланган бозор инфраструктураси орқали таъминланади.

Акция деганда, жамоа мулкига асосланган ёки давлат мулкани тўла хўжалик асосида юритадиган хиссдорлик жамиятлари, корхона ва ташкилотлари, тижорат банклари, кооператив ва бошқа муассасалар томонидан чиқарилади, амал қилиш муддати аниқ белгиланмаган ривожлантириш мақсадида воситалар киритишни тасдиқлайдиган хиссдорлик жамиятига аъзолик, уни бошқаришда иштирок этиш ҳамда унинг эгасига корхона фойдасининг бир қисмини дивидент шаклида олиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоздир .

Шу тариқа акцияларнинг учта асосий хусусияти мавжуд: муддатсизлик, акция эгасининг инвестицияда тўғридан – тўғри иштирок этиши, хўжалик фаолияти натижаларига кўра киритилган сармояга даромад олиш ҳуқуқи.

Акциялар эммитентларини мезонига кўра туркумланади: хиссдорлик жамиятлари акциялари, меҳнат жамоаларининг акциялари. Акциялар номли ва кўрсатиш учун чиқарилади.

Хиссдорлик жамиятлари акциялари ҳам ўз навбатида улар эгаларининг мулкани бошқаришдаги иштирокига қараб икки хил бўлади: оддий ва афзалликка эга бўлган .

Акциялар махсус банкларда чиқарилади, у ҳам бошқа купонларга ўхшаш махсус ҳимоя воситаларига эга: эмтентнинг расмий номи, манзили, қимматли қоғоз – «Акциянинг» номи, унинг тоифаси, тартиб рақами, чиқарилган вақти, номинал қиймати, акция эгаси номи, устав фонди ва ушбу нашрдаги акцияларнинг сони, дивидентлар тўловининг даврийлиги, корхона раҳбарининг – эмитентнинг ёки унинг вакилининг имзоси.

Айрим турдаги акцияларнинг хусусиятларига муфассал тўхталамиз. Хусусан , хиссдорлик жамиятлари акциялари . Ушбу қимматли қоғозлар эгасининг хиссдорлик жамиятининг хусусий воситалиридан муайян улуши ҳамда жамият фаолиятидан келадиган муайян даромад олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Акцияларда қайд қилиниши мумкин: бўлган Яна

бар ҳуқуқ бор – акция эгасининг корхона фаолиятини бошқаришдаги иштироки ҳуқуқи .

Афзаликка эга бўлаган акциялар фақат номли чиқарилади, улар асосан хиссадорлик жамиятлари ходимлари орасида тарқатилади ва иккиламчи бозорга кирмайди. Республикамизда ушбу акцияларни чиқариш механизми хали яхши ишлаб чиқилмаган. Аммо бу борада халқаро тажриба тўпланган. Бунаёк акциялар қайтариладиган акциялар шаклида чиқарилиши мумкин. қайтариладиган деганда эмитентнинг ушбу акцияларни сотиб олиш орқали чақириб олиши тушунилади. Сотиб олиш учун махсус сотиб олиш фонди барпо қилинади, сотиб олиш бутунлай ёки қисман тарзда амалга оширилади. қайтариладиган акцияларни сотиб олиш эмитентни восита (маблағ)нинг ортиқча туриб қолишдан сақлаш учун амалга оширилади.

Афзаллиги оширилган акциялар конвертирланган тарзда ҳам чиқарилиши мумкин. Буш уни билдирадики, Ушбу акцияларнинг эгалари ўша хиссадорлик жамиятининг оддий акцияларига ҳам алмашишлари мумкин. Бундай акцияларни конверсиялаш ҳуқуқини амалга ошириш акция эгасининг хоҳишига боғлиқ.

Ҳиссадорлик жамиятларининг кўпчилик акциялари оддий акциялар тарзда чиқарилади – улар илаб чиқаришни ривожлантириш билан узвий боғлиқ, бошқача айтганда, улар иккита функцияни ўзида бирлаштиради: ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мўлжалланган инвестицион капитал базаси ҳамда корхонани бошқариш шакли ҳисобланади.

Оддий акция эгалари хиссадорлик жамиятлари эгалари ҳамда унинг дастлабки сармоясини киритувчилар ҳисобланади. Уларнинг манфаати фақатгина киритилган капитал учун даромадларни кўтаришгагина эмас, балки корхонани ривожлантириш учун сармояни ўстиришга ҳам қаратилади. Бунда улар ўзларининг дастлабки сармояларини кўп марта кўпайтиришлари мумкин ва аксинча, агар корхона синса, улар ҳамма нарсадан ажралиб қолишлари мумкин.

Оддий акция эгалари уларга факатгина сармоя эгасида мавжуд бўлган муайян имкониятларни беради. Бу имконият энг аввал даромад олиш имкониятлари бўлиб, унинг миқдори хўжалик фаолияти натижаларига бевосита боғлиқдир.

Кўплаб хиссадорлик жамиятлари оддий акциялар бўйича дивидентларни мунтазам тўлаб туришга, бундай мақсадлар учун йўналтирилган соф фойда хиссасини саклаб қолишга интилади. Дивидент ҳар кварталда, йилида икки марта тўланиши мумкин. Оралик дивидент жамият директорлар Кенгаши томонидан ўтган квартал (ярим йил, йил) бўйича битта оддий акция ҳисобига тўланади. Битта оддий акция якуний дивидент миқдори хиссадорларнинг умумий йиғилиши томонидан йил якунларига кўра директорлар Кенгаши таклифи бўйича орлик дивидентлар тўланиши ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Дивидент ёки хиссадорлик жамияти томонидан (унинг кассаси орқали), ёки банк, ёки инвестицион форма томонидан эмитентнинг топшириғига кўра чек билан тўлов кайдномаси, почта (телеграф)дан ўтказиш орқали тўланади.

Табиийки, оддий акцияларнинг ҳаммаси ҳам инвесторларнинг умидини овлавермайди. Шунинг учун уларни синчиклаб таҳлил қилиш ва танлаш керак. Бу таҳлилнинг манбаи хиссадорлик жамиятларининг аҳволи тўғрисида босилиб чиқиладиган маълумотдир.

Республикамизда хиссадорлик жамиятлари акцияларидан ташқари меҳнат жамоаларининг ҳам акциялари чиқарилиши мумкин. Уларнинг фарқи шундаки, улар мулк мақомига эга эмас. Уларни сотиб олиш эгасининг ишга сармоя сарфлаб, фойда эвазига ушбу сармояни кўпайтириш, шунингдек, бошқаришда иштирок этишни билдирмайди. Бундан ташқари, меҳнат жамоасининг акциялари учун чиқарган корхона ходимлари ўртасидагина эмас, балки айрим шахслар ўртасида ҳам (номли) тарқатилиши ва бир шахсдан бошқасига берилиши мумкин эмас. Меҳнатига кўра ушбу акциялар бозор қимматли қоғозлар арсеналига

кирмайди, улар бозор оборотидан чиқарилган. Ушбу акцияларнинг чикраилиши иктисодий эмас, балки кўпроқ социал психологик аҳамиятга эга, улар меҳнаткашларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Корхона акциялари барча хўжалик субъектлари: давлат, ижара ва бошқа корхоналари чиқариши мумкин. Ушбу турдаги қимматли қоғозларнинг мазмуни специфик хусусиятларга ва чекланишларга эга.

Биринчидан, ушбу акциялар мулкчилик ҳуқуқиг эга эмас, улар бошқариш ишида ўх эгаларига овоз бериш ҳуқуқини қафолатламайди. Уларнинг эгалари киритган сармоя учун даромад олишга ўз эътиборини қаратади, аммо ушбу даромад орқали бошқариш ишларига таъсир кўрсата олмайди.

Иккинчидан, корхона акциялари фақат ҳуқуқий шахслар ўртасида тарқатилади.

Учинчидан, корхоналарнинг акцияларини мулкчилик ҳуқуқини ўзгартирмай чиқаришга интилишлари ҳар доим ҳам инвесторнинг ушбу акция сотиб олиш истагига мос келавермайди. Мутаносибликка эришиш учун эмитент махсус шарт шароитлар ва қафолатларни ишлаб чиқиши, маълум миқдорда маблағ сарфлаши керак. Ушбу харажатлар қимматли қоғозларни жойлаштиришни афзалликлари орқали қопланиши лозим, акс ҳолда эмиссия ўз иктисодий мазмунини йўқотади.

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқриш корхоналаридаги инвестиция жараёнини муҳим ўзига хос масаласи оғирлик марказини бюджет ҳисобидан молиялаштиришдан, иқтисодиёт субъектларининг ўз маблағлари, махсус фондлар, банк-кредит институтлари ва минтақалар ресурслари ҳисобига молиялаштиришга кўчиришдан иборатдир. Бунда, бизнинг фикримизга кўра, инвестицияларни молиялаштиришнинг турли манбалар тузилмасини оптималлаштириш йули билан таъминлаш, давлат секторида тармоқлараро пропорцияларни назорат қилиш ғоят муҳим масаладир. Молиялаштириш манбалари тузилмасини оптималлаштириш

инвестицияларни молиялаштиришда корпоратив мулк иштирокини кенгайтиради, инвестиция таваккалчиликларини камайтирган ҳолда, молиялаштириш жараёни иштирокчилари жавобгарлигини оширади, инвестициялар самарадорлигини кўтарган ҳолда, даромадларнинг капиталлашувини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишга имкониятлар яратади.

Саноат корхоналарини молиялаштиришда кредит ресурслари ҳиссасини кўпайтириш, бизнинг назаримизда, молиялаштириш натижалари учун масъулиятни оширишга ёрдам беради, чунки уларнинг роли ошиши билан банк ва кредит таваккалчиликлари даражаси ҳам ўсади.

Давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқаради ва бунинг устига устак инвестиция фаолиятида уларга нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароитлар яратиб беради. Шу сабабли давлат корхоналарига нисбатан, бизнинг фикримизча, бюджетдан молиялаштиришни, белгиланган арзон, имтиёзли фойиз ставкаларда, бюджет ҳисобидан шакллантириладиган мақсадли махсус фондлар маблағларидан, молиялаштириш билан алмайтириш мумкин. Уларни кредитлаш шаклида, шунингдек, алоҳида молиявий лизинг тарзида ишлатиш мумкин бўлади. Қайтариб бермаслик шарти билан бюджет ҳисобидан молиялаштиришни муддатлилик, тўловлилик ва қайтаришлилик тамоилларига асосланган кредитлаш билан алмалтириш ўз самарасини беради. Саноат корхоналарига синдицирлаштирилган кредитлар бериш корпоратив иштирок доирасини кенгайтиради, бу эса инвестициялар самарадорлигига баҳо бериш даражасини кўтаришга олиб келади, чунки уларни кредитлашда молиялаштириш иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган жами таваккалчиликлар ҳисоб-китоб қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2009-2011 йилларга мулжалланган давлат инвестициялар дастурида инвестицияларнинг умумий ҳажми 4,3 трлн. сўм қилиб белгаланган. Улардан 30 фоизини саноат секторини, 25

фоизини таълим соҳасини ривожлантиришга, 23 фоизга яқинини уй-жой қурилиши ва ижтимоий соҳага, қолган 23 фоизини - транспорт, энергетика, агросаноат мажмуи ва бошқа секторларни ривожлантиришга йўналтириш мўлжалланган. Рақамлардан кўринадики, инвестициялар дастурида саноат секторига ажратиладиган хиссанинг кўпайганлигини ижобий омил сифатида баҳолаш мумкин.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимида юз бераётган узғаришлар турли халқаро инвестициялар иштирокининг кенгайиши ва молиялаштириш тизимига мамлакат резидентлари ва норезидентларининг кўшилиши муносабати билан турли таваккалчиликлар, жумладан сиёсий, валюта ва бошқалар доирасини кенгайтормоқда. Саноат корхоналарни молиялаштиришда халқаро лизингнинг ривожланиши, чет эл инвестициялари ҳамда кредит линиялари инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимида чет эл инвестициялари ва қарзларига хос қўшимча таваккалчиликларни кўпайтиради.

Хозир республикаimizдага молиялаштириш ва инвестициялаш тизими давлат механизмини ўз ичига олади. Бизнингча, бу механизмнинг фаолият доираси аста-секин торайиб, унинг ўрнини бозор механизми эгаллаши лозим. Иқтисодий фаолиятни эркинланлаштириш, инвестициялашнинг бозор механизмларидан фойдаланишни кенгайтиришга, инвесторларнинг ўзларига, банкларга, молия институтларига, чет эл инвесторлари, халқаро кредитлар ва қарзларга хос таваккалчиликларни оширишга олиб келиши кутилади. Шубҳасиз, иқтисодиётда инвестиция капиталини етказиб берувчилар - бу молиявий воситачилик қилувчи молия институтларидир. Улар жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини жалб қилиш йўли билан айланишини тезлаштиради. Ривожланган мамлакатларда молия институтлари турли инвесторларнинг ишончини қозонганлар. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам, бизнинг назаримизда, молия институтларининг депозит фаолиятини жиддий тартибда жонлантириш,

"узун" депозитларни жалб килишга эришиш лозим, чунки инвестиция капиталини етказиб берувчиларнинг энг йириклари хакикатдан ҳам якка омонатчилар бўлишлари мумкин. Капитал етказиб берувчи (таъминловчи) молия институтлари тарзида фаолият курсатишлари мумкин булган муассасалар таркибига тижорат банкларини, кредит муассасаларини, сугурта ва нафақа фондларини, инвестиция компанияларини, махсус фондларни, лизинг компанияларини, кредит уюшмаларини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов республикадаги банк тизимининг фаолиятинига баҳо бериб, қуйидаги фиркларни билдирган эдилар: "Шуни таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ."⁸

Бозор муносабатлари шароитида саноат корхоналари фаолиятини молиялаштиришда корхоналарга маблағ қўювчилар - банклар, бошқа йирик инвестиция институтлари ва ресурсларни қарзга берувчиларнинг манфаатларини корхона манфаатлари билан ўзаро мос келишини таъминлаши лозим. Шуни таъкидлаш лозимки, саноат корхоналарига инвестицияларни бюджет усулида молиялаштиришда маблағларни қайтариш мажбурияти бўлмайди, бу эса қарз олувчиларнинг ўз фаолиятини янада самаралироқ амалга оширишда манфаатдор

⁸ Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим. устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби" мавзудаги маърузасидан.

қилмайди. Иккинчи томондан, бюджетдан молиялаштириш қарз олувчиларга фаолият эркинлиги ва ижодий ташаббус кўрсатишни таъминламайди, боқимандалик кайфиятини уйғотади. Бизнинг назаримизда, саноат корхоналарини бюджетдан молиялаштириш тизимини тубдан ўзгартириш лозим. Унинг ўрнига давлат молиялаштирилишини Япония тажрибасига асосланиб, (давлат тараққиёти банклари ёки молиялаштириш буйича давлат корпорациялари ташкил қилиш) давлат молия институтлари тизими орқали амалга ошириш керак бўлади. Бу институтлар минтакавий ривожланишдан бошлаб экспорт, импорт ва чет эллардаги инвестицияларни молиялаштиришга қадар турли соҳаларни қамраб олиши мумкин. Бундай амалиёт бугунги кунда уй-жой қурилиши учун ссудалар беришда яхши натижалар бермоқда. Фермер хужаликлари уюшмаси, Савдо саноат палатасининг кичик ва урта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фаолияти бу соҳаларни шакллантириш ва тараққий эттиришда бевосита давлат томонидан молиялаштиришга мисол бўла олади. Шу муносабат билан, иқтисодиётни либераллаштириш ва эркинлаштириш шароитларида давлатнинг бюджетдан молиялаштириш сиёсати уни давлат молия институтлари томонидан молиялаштириш ва кредитлаш билан алмаштиришга қаратилиши лозим бўлади. Давлат молия институтларининг фондларини давлат облигациялари чиқариш, минтакаларнинг махсус муниципал облигацияларини жойлаштириш, аҳолининг пул маблағлари қуйилмалари ҳисобидан шакллантириш мумкин. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди худди шу мақсадда фаолит кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари фаолиятини кредит банк кредити яъни қарзга бериладиган пул ҳисобига ҳам молиялаштириш мумкин. Кредитлаш - аҳоли ва корхоналар ҳамда банкларнинг бўш турган пул маблағларини банкларда тўпланиши ҳамда

муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун саноат корхоналарига берилишидир.

Ишлаб чиқариш воситалари кўринишидаги капиталнинг тармоқдан-тармоққа ўтиш имкониятлари жуда чекланган. Лекин иқтисодиётда ҳар доим иқтисодий ресурсларни, энг аввало капитални тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити бажаради.

Банк кредити воситасида молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва саноат корхоналар ўртасида бозор мезонлари асосида тақсимланади. Кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тўлаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдаланишга мажбур этади.

Шундай қилиб, кредит иқтисодиёт самарадорлиги даражасини оширишга хизмат қилади.

Банк кредитининг муҳим вазифаларидан бири - бу ишлаб турган корхоналар айланма маблағлари айланишининг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади. қисқа муддатли кредит саноат корхонаси ишлаб чиқариш захираларини тўлдиришга, товар-моддий бойликларини сотиб олишга, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш жараёнида вужудга келган маблағларнинг вақтинча етишмовчилигини тўлдиришга ва бошқа шу каби мақсадларга йўналтирилади.

Банк кредитлари саноат корхоналарининг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши туфайли халқ хўжалигида фойданинг капиталлашуви жароёнларини тезлаштиради. Бу бозор иқтисодиётини эркинлаштириш босқичида, мамлакатда қўшимча иш жойларини яратиш нихоятда зарур бўлган даврда жуда муҳим аҳамиятга эга.

2.2. Ўзбекистонда саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларининг амалдаги ҳолати

Мамлакатимизда жамиятни янгилаш, юртимизни обод қилиш, бозор иқтисодиётини модернизациялаш йўлида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Босқичма-босқич ўтказилаётган ушбу ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётига хос бўлган инфратузилмалар барпо этилиб, хусусий мулкчилик жорий этилди ва тадбиркорлар қатлами вужудга келди. Натижада иқтисодиётимиз йилдан йилга юксалиб, аҳолининг реал даромадлари ошиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, ана шундай вазиятда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишига, аввало, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз томонидан, ўз вақтида, ҳар томонлама пухта ўйлаб чиқарилаётган фармон ва қарорлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг қон томири ҳисобланган банк-молия тизимини мустаҳкамлаш борасида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим қонун ҳужжатлари амалда ўз самарасини бермоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, мамлакатимизда саноат тармоғидаги корхоналарнинг ривожланишига қулай замин яратмоқда.

Барчамизга маълумки, ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодиётида кўплаб мамлакатлар молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган мураккаб ҳолат давом этмоқда. Дунё мамлакатлари томонидан жаҳон бозорларида вазиятни барқарорлаштириш, банк тизимини ҳамда иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Президентимиз 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва тармоқлараро саноат

кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартиришнинг энг муҳим манбаи ва омилidir.

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар мавжуд маҳаллий хомашё базаси асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлай олишини яққол кўрсатиб турибди.

Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш борасида тўплаган тажрибамиз бизнинг ташқи омилларга боғлиқлигимизни камайтириш, ички талабни шакллантириш ва бозорларимизни зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи маҳсулотлар билан тўлдириш, ташкил этилган ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш, валюта ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим роль ўйнашини амалда тасдиқламоқда.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг жадал ўсиб бораётгани бунинг амалий тасдиғидир. 2005 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар 9,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич қарийб 20 фоизга етди⁹.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳукумати томонидан пухта ўйланган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши натижасида миллий иқтисодиётимизни жаҳон молиявий инқирози хатаридан сезиларли даражада ҳимоя қилишга имконият яратилди. Шу билан биргаликда, иқтисодиётнинг диверсификациялашув даражаси оширилмоқда, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил қилинмоқда, экспорт ҳажмлари муттасил ошириб борилмоқда ва унинг бир томонлама хом-ашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмоқда.

⁹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. «Ўзбекистон». Т.: 2015 й. 76 б.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ва иқтисодиётнинг рақобатдошлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатган чора-тадбирлар

Иқтисодиётда фаол таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. ЯИМ таркибида саноат ва хизматлар соҳасининг улуши ортди. Саноат маҳсулоти ва экспортнинг умумий ҳажмида қўшилган қийматнинг ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар улуши ошди.

Саноат диверсификация килинди. Республикамиз учун янги бўлган тармоқлар барпо этилди ва маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан бирга, экспорт ҳажми ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожлантирилди. Бу эса жаҳон моливий-иқтисодий инкирози шароитида ЯИМнинг барқарор ўсиши, янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омил бўлди.

Хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ташқи бозорларга қарамлиги даражаси пасайтирилди, валюта ресурслари тежалди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи пасайтирилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар диверсификация килинди, улар сотилаётган давлатлар сони кенгайтирилди. Бу чора-тадбирлар жаҳон бозоридаги конъюнктура ўзгаришлари шароитида ҳам экспорт ҳажмини кўпайтириш, тўлов баланси барқарорлигини таъминлаш имконини берди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга инвестиция киритаётган, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий килинди, имтиёзли шартларда кредитлаш тартиби киритилди.

Товарлар ва хизматларга бўлган ички талабни кенгайтириш учун аҳоли даромадларини, хусусан, бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг иш ҳақини ошириш чоралари кўрилди.

Ишлаб чиқариш (транспорт коммуникациялари, ахборот ва коммуникация технологиялари) ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали бизнес юритиш шароитлари яхшиланди

Рақобатни ҳимоя қилиш, монополлашувга қарши кураш тизими барпо этилди.

Бизнесни, ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи институтлар шакллантирилди

Макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, инфляция, валюта курсининг девалвацияси суръатларининг паст бўлишига эришилди

Хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш чоралари билан бирга, ички бозорни, хусусан, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини тенг бўлмаган рақобатдан ҳимоялаш чоралари кўрилди.

2.2.1-расм. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар¹⁰

¹⁰ Илмий адабиётларни ўрганиш асосида магистрант томонидан шакллантирилди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4053-сонли Фармони¹¹ қабул қилинди. Мазкур Фармон иқтисодий ислохотларни тобора чуқурлаштиришга, хусусий секторни янада ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятга эга. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, тижорат банклари ҳамда саноат корхоналарининг ўзаро бирлашган ҳолатда фаолият кўрсатиши мамлакат иқтисодиётининг барқарорлашувига, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишига ва пировард натижада аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида ўтказилган иқтисодий ислохотлар жараёнида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида республикаимизда кўпгина саноат корхоналари вужудга келди ва уларнинг фаолияти тобора ривож топиб бормоқда. Лекин шунга қарамай, айрим корхоналарнинг, иқтисодиётнинг реал секторидаги бошқа турдаги мулкчилик шаклларида фаолият юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган.

¹¹ http://www.press-service.uz/uz/news/show/ukazyi_prezidenta/uzbekistan_increases_financial_stability/

Юқорида келтирилган Фармондан кўзланган асосий мақсад ҳам иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб қилишдан иборат. Шунингдек, ушбу Фармонда кўзда тутилган мақсадларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қулай замин яратади.

Ушбу Фармонда 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятларининг Низом жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти 400 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Фаолият юритаётган очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари эса 2010 йилнинг 1 январигача Низом жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шартлиги белгиланди.

Шу билан биргаликда, ушбу Фармонда банкрот корхоналарни тижорат банкларига аукцион ва танлов савдолари орқали мулк сифатида сотиш механизмини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Тижорат банклари иқтисодий ночор, банкротликка учраган корхоналарни мулк сифатида аукцион савдолари орқали сотиб олиши ҳамда уларни банклар томонидан молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, қайта жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи

бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиши белгиланди.

Шу йўл билан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва қайта жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Натижада, иқтисодиётимиз янада барқарорлашиб, аҳолининг реал даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида янада катта ютуқларга эришиш имконияти вужудга келади.

Мазкур Фармон қабул қилиниши туфайли ҳозирги кунда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори ортиб бораётгани кузатилмоқда.

2014 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2008-2014 йилларда тижорат банклари томонидан иқтисодий ночор корхонларни тиклаш ва модернизация қилиш ҳамда улар негизда замонавий янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ишлари тизимли равишда амалга оширилди.

Бу орада тижорат банклари балансига жами 173 та иқтисодий ночор корхоналар қабул қилинган бўлиб, ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш мақсадида уларга тижорат банкларининг 588,8 млрд. сўм миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестициялари йўналтирилди.


Натижада, банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга имкон яратилди. Ушбу тикланган корхоналарда бугунги кунда турли хил истеъмол ва саноат моллари ишлаб чиқарилиб, ички бозорни тўлдиришга, салмоқли қисмини экспортга йўналтиришга, пировардида республикаимиз валюта захираларини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида банклар томонидан корхоналарда тўғри йўлга қўйилган бошқарув туфайли жами 2,8 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб

чиқарилди ва шундан, 780,0 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди.

Энг муҳими, ушбу корхоналарда 21 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

2014 йилда тижорат банкларининг кредит қўйилмалари умумий ҳажми 2005 йилга нисбатан қарийб ўн маротабага ошиб 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34,8 трлн. сўмни ташкил этди.




2.2.2-расм. Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи (млрд.сўм)¹²

Республика банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармони бошқа фармон ва қарорларига мувофиқ, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмларини янада ошириш, шу жумладан, янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация

¹² Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида магистрант томонидан тузилган.

қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнларида банкларнинг иштирокини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

2014 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 8,5 трлн. сўм ёки 2008 йилга нисбатан қарийб олти баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.




2.2.3-расм. Тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар ҳажмининг ўзгариши (млрд.сўм)¹³

Бунда банкларнинг инвестицион кредитлари устувор равишда «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш», «2014 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олишга йўналтирилмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодиётни модернизация қилишда ҳамда мамлакат саноат салоҳияти мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди. Бу

¹³ Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида магистрант томонидан тузилган.

борада Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагича таъкидлаб ўтган эдилар: “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилиниш ҳам бўлмайди. Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлик фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор”¹⁴. Тижорат банкларининг йирик инвестиция институтларига айланиши, ўз навбатида, саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.



2.2.4-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари, млрд.сўм¹⁵

¹⁴ Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.// Президент И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи - 2010 йил 30 январь, №21.


¹⁵ Давлат Статистика қўмитаси маълумотларига асосан муаллиф томонидан шакллантирилди.

2014 йилда саноат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан уч баробарга ошиб 75193,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бу, биринчи навбатда, дунёда "Ўзбек модели" номи билан танилган иқтисодий ислохотлар стратегиясининг ўзини тўла-тўқис оқлаганлигини, ҳозиргидек мураккаб вазиятлар эса Ўзбекистон танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 8,3 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ошди. Бундай юқори ўсиш суръатларини таъминлашда мамлакатимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Саноатда юқори ўсиш суръатлари замонавий ва илғор технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (ўсиш суръати 13,5 фоиз), енгил саноат (16,1 фоиз) ҳамда қурилиш материаллари (10,7 фоиз) саноати тармоқларида кузатилди.

Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Уларни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



2.2.5-расм. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан юқори технологияларни кенг жорий этиш, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини ошириш, корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно) озод қилиш муддатини узайтириш, банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш ва бошқа муҳим имтиёзлар беришга доир вазифаларнинг ҳал этилиши кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш, жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда ялпи талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби ғоят муҳим вазифалар белгиланган.

Гўшт ва сутни қайта ишлагча ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 2012 йилнинг 1 январига қадар 50 фоизга қисқартиришч, тайёр ноозиқ-овқат товарларнинг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш кўзда тутилган.

Инқирозга қарши чоралар дастурида акс этган бундай тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олишда, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида баён этилган, ҳар томонлама пухта ўйланган жаҳон иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури миллий иқтисодиётимизни янада барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ушбу дастур мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг ишончли механизмини яратиш имконини бергани алоҳида таъкидлаш лозим. Юртбошимиз ташаббуси билан иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, банк ва молия тузилмаларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илғор инновацион технологиялар асосида, жумладан, қайта ишланган хом ашёдан харидоргир, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарали чоралари яратилди. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурини

рўёбга чиқариш доирасида ҳудудий бандлик дастурлари, ижтимоий инфратузилмани кенгайтириш, биринчи навбатда қишлоқларда янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш давлатимиз томонидан кенг қўламда қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган бўлиб, бу борадаги қонунчилик мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги йўналишлари белгилаб берилган:

- маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини яратиш;
- экспорт қилувчи корхоналарга солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар бериш;
- корхоналарга бериладиган банк кредитларини камайтириш;
- корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағлар ажратиш.

Шунингдек саноат корхонаси фаолиятини молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун экспортни рағбатлантиришда қуйидаги чора-тадбирлари белгиланган:

- айланма маблағларни тўлдириш учун 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;
- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш;
- қатъий тежамкорлик тизмини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини ва рақобатбардошлигини оширишда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техника ва технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтириш орқали пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш имкониятларини оширади;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва улар техник жиҳатдан қайта қуrollанади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилади.

2.3. Саноат корхоналарининг технологик даражасини баҳолаш ва истиқболини белгилаш

Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг техник-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ва келажакда ушбу корхоналарда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ, айрим йирик саноат корхоналарида технологик жиҳатдан маънавий эскирган ва муддатини ўтаб бўлган асбоб-ускуналар салмоғи юқорилигича

қолмоқда. Бу ҳолат эса, саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

2.3.1-жадвал

Вазирликлар ва ҳўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган йирик саноат корхоналарида ўтказилган техник аудит натижалари тўғрисида маълумот

Вазирликлар ва ҳўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган корхоналар номи	Жами текширилган асбоб-ускуналар	шундан:			
		ишга яроқли		фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиганлар	
		Жами	фоиз	Жами	фоиз
«Ўзбекэнерго» ДАК	36924	18097	49,0	18827	51,0
«Ўзбекнефтьгаз» МХК	19350	15173	78,4	4177	21,6
«Ўзкимёсаноат» ДАК	13815	10859	78,6	2956	21,4
«Ўзметкомбинат» ОАЖ	905	857	94,7	48	5,3
«Ўзбеккўмир» ОАЖ	362	121	33,4	241	66,6
«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК	5838	1218	20,9	4620	79,1
«Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати» ОАЖ	2960	2948	99,6	12	0,4
«Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ	2964	710	24,0	2254	76,0
«Ўзавтосаноат» АК	4642	3884	83,7	758	16,3
«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси	5684	3206	56,4	2478	43,6
«Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ	3064	1895	61,8	1169	38,2
«Файз» ХК	475	377	79,4	98	20,6
«ТТЗ» ОАЖ	4780	3713	77,7	1067	22,3
«Агрегат заводи» ОАЖ	1152	703	61,0	449	39,0
«Технолог» ОАЖ	1146	610	53,2	536	46,8
«Чирчиққишлоқмаш» ОАЖ	1353	257	19,0	1096	81,0
«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК	1531	964	63,0	567	37,0
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК	350	255	72,9	95	27,1
«Ўзавтойўл» ДАК	96	26	27,1	70	72,9
«Ўзқурилишматериаллари» АК	1391	1114	80,1	277	19,9
«Ўзмонтажмахсуқурилиш» уюшмаси	71	55	77,5	16	22,5
Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги	877	790	90,1	87	9,9
«Ўздонмахсулот» АК	14680	11100	75,6	3580	24,4
Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси	3380	2750	81,4	630	18,6
«Ўзпахтасаноат» уюшмаси	7069	6826	96,6	243	3,4
«Ўзвинсаноат-холдинг» ХК	3006	2892	96,2	114	3,8
«Ўзбекенгилсаноат» ДАК	21916	20252	92,4	1664	7,6
«Ўзағромашсервис» уюшмаси	103	80	77,7	23	22,3
«Ўзфармсаноат» ДК	907	803	88,5	104	11,5

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	373	307	82,3	66	17,7
«Шарқ» НМАК	175	127	72,6	48	27,4
Ўзбекистон бўйича	161410	113040	70,0	48370	30,0

Шу нуқтаи назардан, қараганда йирик корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш, корхоналарга замонавий ва жаҳон миқёсда муваффақиятли синовдан ўтган технологияларни жадал жорий этиш орқали мамлакатимизнинг саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги “Йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришларда технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг техник аудитини ўтказиш чоратadbирлари тўғрисида”ги 72-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, йирик корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида техник аудит ўтказиш бўйича махсус дастур тасдиқланиб, унга асосан, иқтисодиёт тармоқларида фаолиятни амалга оширадиган йирик корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаларида 2011 йилда техник аудит ўтказиш бўйича тармоқ ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг замонавий талабларга мувофиқлигини хатловдан ўтказиш ва шу асосда фойдаланишдан босқичма-босқич чиқарилиши керак бўлган эскирган ва энергияни кўп талаб қиладиган технологик асбоб-ускуналар, маънавий эскирган технологияларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;


- фойдаланадиган технологик асбоб-ускуналарнинг норматив-техник ҳужжатларини, тармоқни ривожлантиришнинг узоқ муддатли концепциясини ҳисобга олган ҳолда, замонавий рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти бўйича ўрганиш;

- тармоқ ишчи гуруҳларига экспертиза ўтказиш ва энг мақбул қарорлар ишлаб чиқиш учун корхона ва хўжалик бирлашмалари маблағлари ҳисобидан ихтисослаштирилган лойиҳа институтлари,

инжиниринг ва консалтинг компаниялари, асбоб-ускуналар, технологиялар, жиҳозлар ва воситалар ишлаб чиқарадиган заводларнинг мутахассис ва экспертларини жалб этиш.

Мазкур қарорнинг бажарилиши ва ундан олинган натижаларга асосан 2012 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги 115-сонли қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 2011 йилда вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган 418 та йирик саноат корхонасида технологик техник аудитини ўтказиш натижасида 161,4 мингта асбоб-ускуна текшириб чиқилди, улардан асбоб-ускуналарнинг 30 фоизи янгилашни ёки 2012-2014 йилларда ва кейинги йилларда фойдаланишдан чиқаришни талаб этади (2.3.2-жадвал).



2.3.1-расм. Мамлакатимиз бўйича янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиган асбоб-ускуналар ҳажмида вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган саноат корхоналар улуши, фоизда¹⁶

¹⁶ Вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган йирик саноат корхоналари эскиргандаги асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 15 мартдаги 72-сонли қарорига мувофиқ ўтказилган техник аудит натижалари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

Бугунги кунда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар таркибида янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиган асбоб-ускуналар улуши юқори бўлган вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган корхоналар қуйидагилардир: «Чирчиққишлоқмаш» ОАЖ - 81фоииз; «Навий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси - 79,1фоииз; «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ - 76фоииз; «Ўзавтойўл» ДАК - 72,9фоииз; «Ўзбекжўмир» ОАЖ - 66,6фоииз; «Ўзбекэнерго» ДАК - 51фоииз; «Технолог» ОАЖ - 46,8фоииз.

Янгилаш ёки фойдаланишдан чиқариш талаб этиладиган асбоб-ускуналар асосан иқтисодиётнинг стратегик тармоқларига тўғри келмоқда (2.3.1-расм). Жумладан, бу кўрсаткич «Ўзбекэнерго» ДАКда – 38,9фоииз, «Навий кон-металлургия комбинати» ДКда – 9,6фоииз, «Ўзбекнефтьгаз» МХКда – 8,6фоииз, «Ўздонмахсулот» АКда – 7,4фоииз ва «Ўзкимёсаноат» ДАКда – 6,1фоиизни ташкил этмоқда.

Мазкур тадбирни амалга оширишдан асосий мақсад корхоналарда замонавий ва жаҳон миқёсида муваффақиятли синовдан ўтган технологияларни жадал жорий этиш орқали ишлаб турган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишни давом эттириш ва мамлакатимизнинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат.

2013-2014 йилларда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарининг маънавий эскирган асбоб-ускуналарини замонавий, асбоб-ускуналар билан алмаштирган ҳолда уларни фойдаланишдан чиқариш ва янгилашнинг мақсадли параметрлари ишлаб чиқилди (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал

2013-2014 йилларда саноат тармоқларининг йирик корхоналарида маънавий эскирган асбоб-ускуналарни замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирган ҳолда уларни фойдаланишдан чиқариш ва янгилашнинг


МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ

Вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига	Жами 2013-2014	шу жумладан:	
		2013 йил	2014 йил

кирадиган корхоналар номи	йилларда эскирган асбоб- ускуналар ўрнига алмашти- рилади- ганлари сони	Алмаштири- ладиган асбоб- ускуналар сони	Тахминий қиймат, минг доллар.	Алмашти- ри- ладиган асбоб- ускунала- р сони	Тахминий қиймат, минг доллар.
«Ўзбекэнерго» ДАК	3500	1689	74781,5	1811	99402,7
«Ўзбекнефтегаз» МХК	1458	737	154941,1	721	205655,1
«Ўзкимёсаноат» ДАК	1643	1370	19292,8	273	27972,4
«Ўзметкомбинат» ОАЖ	3	1	300,0	2	7870,0
«Ўзбеккўмир» ОАЖ	70	42	36517,0	28	43112,0
«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК	540	254	30957,3	286	25984,8
«Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ	819	400	11968,0	419	13759,0
«Ўзавтосаноат» АК	219	107	8923,3	112	17434,7
«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси	145	86	6192,6	59	2249,8
«Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ	89	40	1585,2	49	2794,5
«Файз» ХК	14	7	258,0	7	146,0
«ТТЗ» ОАЖ	20	20	1200,0	0	0,0
«Агрегат заводи» ОАЖ	11	3	235,0	8	530,0
«Технолог» ОАЖ	4	2	122,1	2	122,1
«Чирчиққишлоқмаш» ОАЖ	10	4	270,0	6	395,5
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК	27	10	600,0	17	1000,0
«Ўзавтойўл» ДАК	70	43	2240,0	27	828,0
«Ўзқурилишматериаллари» АК	236	229	3410,0	7	1037,0
«Ўзмонтажмахсуқурилиш» уюшмаси	4	2	152,2	2	100,0
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	57	33	11416,0	24	15274,0
«Ўздонмахсулот» АК	1413	658	5605,0	755	5892,0
Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси	109	61	2404,0	48	1591,0
«Ўзпахтасаноат» уюшмаси	30	21	2016,0	9	3623,0
«Ўзвинсаноат-холдинг» ХК	87	81	3466,7	6	1920,0
«Ўзбекентилсаноат» ДАК	404	221	3120,0	183	1296,0
«Ўзагроماشсервис» уюшмаси	8	3	38,9	5	55,8
«Ўзфармсаноат» ДК	74	25	301,6	49	1004,8
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	6	4	3500,5	2	315,4
«Шарқ» НМАК	7	4	3173,7	3	594,5
Ўзбекистон бўйича	11077	6157	388988,5	4920	481960,1

2013-2014 йилларда мамлакатимиз бўйича 11077 та маънавий эскирган асбоб-ускуна замонавий асбоб-ускуналар билан алмаштирилиб, улар учун 870,9 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Жумладан, 2013 йил учун белгиланган параметрларга асосан алмаштириладиган жами асбоб-ускуналар ҳажмида асосий ўринни

«Ўзбекэнерго» ДАК (27,4фоиз), «Ўздонмахсулот» АК (10,7фоиз), «Ўзкимёсаноат» ДАК (22,3фоиз) ва «Ўзбекнефтегаз» МХК (12,0фоиз) эгалламоқда (2.3.2-расм).



2.3.2-расм. 2013 йилда мамлакатимиз бўйича алмаштириладиган жами асбоб-ускуналар ҳажмида вазирлик ва хўжалик бирлашмалари таркибига кирадиган саноат корхоналари улуши, фоизда¹⁷

Юқорида келтирилган таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда стратегик аҳамиятга молик тармоқлардаги корхоналарда маънавий эскирган технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг салмоғи юқориликча қолмоқда. Бу эса, иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда уларнинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масаласини янада долзарб аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Истикболда иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва бу йўналишда махсус дастурларни тайёрлашни тақазо этади.

II-боб бўйича хулоса.

¹⁷ 2013-2014 йилларда саноат тармоқларининг йирик корхоналарида маънавий эскирган асбоб-ускуналарни замонавий, асбоб-ускуналар билан алмаштирган ҳолда уларни фойдаланишдан чиқариш ва янгилашнинг мақсадли параметрлари асосида ҳисоб-китоб қилинди.

2014 йилда саноат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан уч баробарга ошиб 75193,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бу, биринчи навбатда, дунёда "Ўзбек модели" номи билан танилган иқтисодий ислохотлар стратегиясининг ўзини тўла-тўқис оқлаганлигини, ҳозиргидек мураккаб вазиятлар эса Ўзбекистон танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 8,3 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга ошди. Бундай юқори ўсиш суръатларини таъминлашда мамлакатимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда саноат корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги йўналишлари белгилаб берилган:

- маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини яратиш;
- экспорт қилувчи корхоналарга солиқлар бўйича қўшимча имтиёзлар бериш;
- корхоналарга бериладиган банк кредитларини камайтириш;
- корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағлар ажратиш.

Шунингдек саноат корхонаси фаолиятини молиялаштириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун экспортни рағбатлантиришда қуйидаги чора-тадбирлари белгиланган:

- айланма маблағларни тўлдириш учун 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш;

- қатъий тежамкорлик тизмини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш.

Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини ва рақобатбардошлигини оширишда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техника ва технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтириш орқали пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш имкониятларини оширади;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва улар техник жиҳатдан қайта қуrollанади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда саноат корхоналарини кўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳар қандай давлатнинг ташқи хавф-хатарларга қарши туриш қобилияти кўп жиҳатдан унинг иқтисодий ва молиявий қудрати билан белгиланишини яққол кўрсатиб берди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларида ҳам ўз тасдиғини топган: “Мамлакатимизда мустақиллик кўлга киритилганидан кейин амалга оширилиб келинаётган иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг бешта тамойилига асосланган иқтисодий ривожланишнинг “ўзбек модели”, шунингдек амалга оширилаётган оқилона ва чуқур ўйланган иқтисодий сиёсат макроиқтисодий барқарорликни, молия-банк соҳасининг барқарор ишлашини ва валюта жамғармаларининг ўсишини таъминлаган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини чайқовчилик капитали, бошқарилмайдиган табиий ҳодиса ҳамда жаҳон молиявий ва фонд бозорларидаги назоратсизликнинг таъсиридан сақлаш учун ишончли тўсиқ ва етарлича мустаҳкамлик захирасини яратди”.

Инқироз ҳолатларининг намоён бўлиши шароитида инқирознинг салбий таъсирига дучор бўлган миллий иқтисодиётларни жадал соғломлаштириш ва инқироздан кейинги ривожланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари учун асосий масалага айланди. Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинди. 2009-2012 йилларга мўлжалланган ушбу дастурнинг асосини республика ҳамда унинг минтақалари миқёсида амалга ошириладиган инқирозга қарши чоралар ташкил қилди. Ҳужжат макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини, аҳоли

бандлигини ва унинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлашга, кичик бизнес ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар тўпламини ўзида мужассам этган.

Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий тадбирларидан бири ҳисобланади. Дастурда белгиланган тадбирларни амалга оширилиши саноатда маҳсулот таннархининг пасайишига, корхоналар молиявий аҳволининг яхшиланишига хизмат қилди ва уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширди. Экспортчи корхоналар томонидан илгари ишлаб чиқаришни техник модернизация қилиш учун олинган кредитлари ҳамда бюджет олдидаги қарзлари қайта таркибланди. Бундан ташқари, ушбу чора-тадбирлар тўплами доирасида тижорат банкларига экспортчи корхоналарга ўз айланма маблағларини тўлдириш учун қўшимча кредитлар берилди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган иккинчи чора-тадбирлар тўплами инвестициявий фаолликнинг ошишини таъминлаш ва иқтисодиёт реал секторининг корхоналарига инвестициялар киритиш учун ресурс базасини кенгайтиришга йўналтирилган. Хусусан, бир қатор банкларнинг устав капиталини давлат маблағлари ҳисобидан кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди ва кейинчалик ушбу маблағлар иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилди. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини молиялаш учун тижорат банклари томонидан катта суммадаги кредитлар ажратилган.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари ва хизматларига бўлган ички талабни ноинфляцион рағбатлантириш борасидаги учинчи чора-тадбирлари тўпламининг амалга оширилиши Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ёрдам берди. Шу билан бирга, уй-жой фонди объектларини

қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ташкилотлари тузилиб, улар 5 йил муддатга барча турдаги солиқ тўловларидан озод этилди. Бундан ташқари, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирлар мазкур тўпламининг амалга оширилиши замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналарни ишга тушириш имконини берди.

Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг алоҳида тўплами энергетика тармоғини модернизация қилишга, энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этишга йўналтирилган. Инқирозга қарши чоралар дастури чора-тадбирларининг бошқа тўпламини амалга ошириш доирасида кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш кучайтирилди, аҳолининг бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, саноат секторида фаолият кўрсатиб турган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ ставкаси камайтирилди.

Таъкидлаш лозимки, Инқирозга қарши чоралар ва инқироздан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш дастури чора-тадбирларининг амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти кучли инфляцияни четлаб ўтди. Бугунги кунда республика иқтисодиёти асосий макроиқтисодий параметрларнинг ижобий динамикасини сақлаб турибди, шунингдек, тармоқлар ва соҳаларнинг янада ривожланиши учун мустаҳкам асос яратилди (3.1.1-жадвалга қаранг).

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриб турганимиздек, Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш юзасидан тегишли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2014 йилнинг январь–декабрь ойларида унинг ялпи ички маҳсулоти 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 фоизга ошди. Иқтисодиёт тармоқларининг янада диверсификация қилиниши ушбу даврда республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга ошишига катта ҳисса қўшди.

3.1.1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиши
асосий кўрсаткичларининг ўсиш суръатлари
(ўтган даврга нисбатан фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткич	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
Ялпи ички маҳсулот	108,5	108,3	108,2	108,0	108,1
Саноат маҳсулоти	108,5	106,3	107,7	108,8	108,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	106,9	106,6	107,0	106,8	106,9
Асосий капиталга инвестициялар	108,7	107,9	108,6	109,8	109,6
Қурилиш ишлари	105,1	108,5	111,5	116,6	118,3
Юкларни ташиш	110,3	108,7	105,4	104,4	105,0
Йўловчиларни ташиш	106,3	105,9	105,8	104,2	104,8
Чакана товар айланмаси	113,6	116,4	113,9	114,8	114,3
Пулли хизматлар	112,5	116,1	114,3	113,7	111,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

Фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига илғор технологияларни жорий этиш кўламларини кенгайтириш борасида қўлланилган чора-тадбирлар туфайли республика қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 6,9 фоизга ошди. Шунингдек, ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръатлари 9,6 фоизга ва қурилиш ишларининг ҳажми 18,3 фоизга ошди. Кўрсаткичларнинг ўсиши асосан иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, стратегик инвестициявий лойиҳаларнинг амалга оширилишини тезлаштиришга ва янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этишга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсат ҳисобидан таъминланди.

Қайд этиш лозимки, охириги йилларда Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ички талабни рағбатлантириш, товарлар

ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг ривожланишини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қабул қилиниб, фаол амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси 2014 йилда чакана товар айланмасининг ҳажмини 14,3 фоизга, пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмини 11,4 фоизга ошириш имконини берди. Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этилиши ва аҳоли бандлиги даражасининг ошиши аҳоли реал даромадлари барқарор ошишининг асосий омиллари бўлди.

Ўзбекистонда қабул қилинган глобал инкироз оқибатларини бартараф этиш, хусусан, иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш борасидаги огоҳлантирувчи чора-тадбирларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга ва республика аҳолисининг фаровонлигини таъминлашга эришиш кўп жиҳатдан турли тармоқлар корхоналарининг молиявий-иқтисодий аҳволи, уларнинг хўжалик юритишнинг юзага келган шароитларидаги ривожланиш имкониятлари ва, ўз навбатида, уларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари билан таъсирчанлигига боғлиқдир.

Республика саноати тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида йирик корхоналарда 201,1 миллион доллар қийматидаги 3631 та яроқсиз, маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналар алмаштирилди. Энергияни тежовчи технологияларнинг жорий этилиши, технологик жараёнлар ва хом ашёни сарфлаш нормаларининг мақбуллаштирилиши, йўқотишлар ва ноишлаб чиқариш харажатларининг бартараф этилиши натижасида йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 11 фоизга пасайтиришга эришилди.

Республикада иқтисодий ночор корхоналар ва банкрот бўлган корхоналарни кўллаб-қувватлашга ва уларнинг ишлаш қобилиятини тиклашга алоҳида эътибор қаратилади. Бозор иқтисодиёти ривожланган

хар қандай мамлакатда банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизм элементларидан бири ҳисобланади.


Ўзбекистонда “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар банкротлиги тартиботини тартибга солувчи ҳуқуқий базанинг яратилишидаги дастлабки қадам бўлди. Қарийб йигирма йил мобайнида мазкур қонун бозор иқтисодиётининг юзага келган янги талабларига мувофиқ қайта ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди, унга тузатишлар киритилди, банкрот бўлган корхоналар учун у ёки бу механизмларни юмшатувчи янги нормалар қўлланилди. 2003 йилда қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда кузатиш ва суд йўли билан санація қилиш каби суд тартиботларининг жорий этилиши янгилик бўлди, шунингдек, хўжалик суди томонидан иш қўзғатиш мезонлари белгиланди. Суд бошқарувчиси лавозимига даъвогарлик қилувчи жисмоний шахсларнинг мезонлари белгиланди, суд бошқарувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар зиммасига юклатиладиган жавобгарликлар аниқ белгиланди. Биринчи марта суд бошқарувчиларининг профессионал бирлашмалари тўғрисидаги тушунча жорий этилди.

Хабарингиз бор, “Банкротлик тўғрисида”ги қонунга тугатиш жараёнининг алоҳида тартиботларини ўтказиш муддатларини жадаллаштиришга, замон талабларига жавоб берувчи ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун банкрот бўлган корхоналарнинг мол-мулкини янги самарали мулкдорларга сотишга йўналтирилган қўшимчалар киритилди. Хусусан, қонунда кредиторлар йиғилишининг баённомасини хўжалик суди топшириш муддатини (беш кун ўрнига) икки кунгача, банкротлик тўғрисидаги ишни хўжалик судининг мажлисида кўриб чиқиш муддатини эса (уч ой ўрнига) икки ойгача қисқартириш таклиф этилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, иш ўринларини ташкил этиш мақсадида қонунда қарздорнинг тугатиш

жараёнини унинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда ўтказишни назарда тутувчи ҳуқуқий норма мустаҳкамланди.

Бугунги кунда республикада корхоналарнинг ночорлиги (банкротлиги) масалаларига доир ҳамда миллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашга ва тўлов қобилиятини таъминлашга кўмаклашувчи чора-тадбирларни белгилаб берувчи кўплаб фармонлар, қарорлар, фармойишлар қабул қилинган. Республика амалиётида иқтисодий ночор, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш дастурлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида тегишли дастурларга киритилган корхоналарни тиклаш учун 1408,2 миллиард сўм миқдоридаги инвестициялар, шу жумладан тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан 756,2 миллиард сўм йўналтирилди. Натижада ушбу корхоналарда 23 мингга яқин янги иш ўрни барпо этилиб, 1881,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 48,2 миллион доллар қийматидаги экспорт амалга оширилди.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда саноат корхоналарида ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган молиявий барқарорликни таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури молиявий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирларининг кўп поғонали таркибий тузилиши ва уни ресурслар билан таъминлаш асосида ишлаб чиқилиши лозим. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигига эришишнинг муқобил йўллари мазкур дастур тадбирларини ресурслар билан таъминлаш ва улар ўртасидаги алоқалар доирасида ўзаро боғланган бўлиши лозим. Юқоридагиларга асосланган ҳолда, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури қуйидаги кўринишга эга (5-расм).




3.1.1-расм. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси, дастурлари ва режаларининг узвий боғлиқлиги¹⁸

Саноат корхонасининг иқтисодий салоҳияти ва ундан фойдаланиш имкониятларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар дастурини амалга оширишда корхонанинг молиявий барқарорлигини ресурслар билан таъминловчи омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури тадбирлари мақсадлар, шароитлар ва ресурслар бўйича ўзаро боғланган. Дастур тадбирлари корхонани ривожлантириш стратегиясининг мақсадига эришиш учун корхонанинг фойдаланилмаётган қирралари, молиявий тақчилликка сабаб

¹⁸Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

бўлаётган омилларни аниқлаш ва қўйилган стратегик вазифани ҳал этишни таъминловчи вариантли ҳисоб- китобларни амалга ошириш заруриятини белгилаб беради.



3.1.2-расм. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури¹⁹

Тадқиқот ишида корпоративнинг молиявий барқарорлигини моделлаштиришда баланс нисбатлари асосида ишлаб чиқилган²⁰ баланс ҳисобини, солиқ солишни, суғурталашни, молиявий маълумотларга ишлов

¹⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

²⁰ Hahn D., Untemehmungsziele im Wandel, in: Untemehmerischer Wandel, Gomez P. / Hahn D. / Müller-Stewens G. / Wunderer R.(Hrsg), Untemehmerischer Wandel. Konzepte zur organisatorischen Erneuerung – Knut Bleicher zum 65. Geburtstag, Wiesbaden, 1994. -P.59-83.

беришни самарали амалга ошириш имконини берувчи²¹ корхоналарнинг математик–молиявий моделларидан биринчилардан бўлиб фойдаланилди. Ушбу моделлардан фойдаланишда тахлилий вазифалар одатда марказлашган тарзда ҳал этилади, корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш вазифалари эса ушбу ҳолатда мустақил вазифа сифатида кўриб чиқилади. Уларни иккита босқичда автоматлаштириш орқали ҳал этиш мумкин. Биринчи босқичда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича дастлабки ахборотга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш назарда тутилади, иккинчи босқичда эса олинган ахборот корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш интеграциялашган тизимида фойдаланилади.

Фикримизча, ушбу тизимда молиявий стратегия таркибининг модели ва корхонанинг асосий молиявий-иқтисодий имитацион модели алоҳида роль ўйнайди. Уларнинг асосида иқтисодий жараёнларни моделлаштириш бўйича олиб борилган илмий ишлар ётади²².

Хулоса қилиб таъкидлаш лозимки, корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларининг янада такомиллаштирилиши ва уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги янги самарали чоратadbирларнинг ишлаб чиқилиши республиканинг иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашга ва унинг ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

3.2. Саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда саноат корхоналари рақобатбардошлигини юксалтиришга қаратилган қатор чоралар белгиланган. Микро даражада тезкор модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қурулантириш,

²¹Уткин Э.А., Мырынюк И.В. Контроллинг: российская практика. -М.:Финансы и статистика, 1999. -272 с.; Küpper H.U. Notwendigkeit der theoretischen Fundierung des Controlling, in: Scherm E./Pietsch G. [Hrsg.]: Controlling - Theorien und Konzeptionen, München, 2004. -P.23-40; Weber J./Schäffer U. Controlling als Koordinationsfunktion?, in: Kostenrechnungs-praxis (кпр), 44 (2000), 2, -P. 109-117.

²² Емельянов А.А, Власова Е.А., Дума Р.В. Имитационное моделирование экономических процессов. Учебное пособие. -М.:Финансы и статистика, 2002. – 368 с.; Негашев Е.В. Анализ финансов предприятия в условиях рынка. -М.:Высшая школа, 1997. – 195 с.; Раяцкас Р.Л., Плакунов М.К. Экономические догмы и управленческая реальность. -М.:Экономика, 1991. – 207 с.; Томас Р. Количественные методы анализа хозяйственной деятельности. Пер. с англ. -М.:Дело и Сервис, 1999. – 432 с.

мослашувчан замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, халқаро сифат андозалари ва тежамкорлик тартибига ўтиш, энергияни тежаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш шулар жумласидандир. Шу боис кўплаб муҳим хўжалик субъектлари ҳозирги кунда ўз олдига ишлаб чиқариш харажатларини 20 фоизга камайтиришни мақсад қилиб қўйган.

Макро даражада эса ички талабни рағбатлантириш, экспортга йўналтирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш ва изчил рағбатлантириш, нарх сиёсатини такомиллаштириш, хусусан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё асосини шакллантирувчи монополист корхоналар томонидан белгиланадиган нархларнинг ўсишини ушлаб туриш, солиқ ва божхона имтиёзлари айнан шунга хизмат қилади.

Саноат рақобатбардошлиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш шуни кўрсатдики, шаклланган макроиктисодий ва рақобат муҳити, илмий-техник салоҳият, халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш кўлами, инвестициялар, молия тизимининг сифати ва самарадорлиги, инфратузилманинг ҳолати, меҳнат ресурсларининг малакаси кабилар энг муҳим омиллардир.

Жаҳон тажрибасининг таҳлилига назар ташласак, инновация технологиялари ривожланган мамлакатлар муайян ютуқларга эришган. Шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, глобал миқёсда рақобатга киришаётган корхоналарда кўп соҳаларда ўсишнинг юксак суръатлари кузатилади. Айнан муайян ишлаб чиқариш омили – технологиялар, материаллар, нархлар, хизматлар, демографик вазият ва ҳатто геосиёий омиллар ўзгаришига асосланган инноватсиялар юқори қўшимча қиймат ва бойликни яратади, самарадорлиги ва фойдаси юқори соҳаларга қараб ресурсларнинг оқишига олиб келади.

Шу боис мамлакатимизда инновацияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг ривожи учун барча шарт-шароитлар – тайёр

технологиялар, мутахассислар, хомашё ва материаллар мавжуд. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш учун бугундан бошлаб инқироздан кейинги даврдаги ривожланиш ҳақида ўйлашимиз, юртимизни янги марраларга олиб чиқишга кучли туртки берадиган, жаҳон бозорида мамлакатимиз рақобатбардошлигини таъминлай оладиган, миллий иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларини техник янгилаш ва модернизация қилиш бўйича пухта ишланган, узоққа мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзбек моделининг кучли жиҳатларидан бири – хусусий бизнесни ривожлантириш учун янги институтлар ва шароитларни яратишга давлат алоҳида эътибор қаратиб келаётганидир.

Бироқ бунда давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва инвестициялар – юқори самарадорликка эришиш ёки муайян корхона маҳсулоти рақобатбардош бўлиши учун яратилган имконият эканлиги кўпинча эътиборга олинмайди.

Бозор шароитида рақобатбардошлиликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида кенг маркетинг тадқиқотларига асосланиб пухта ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси, замонавий бозор моделларининг қўлланишини назарда тутувчи (мувофиқлаштирилган кўрсаткичлар тизими, умумий сифат кўрсаткичи, сифат менежменти тизими ва ҳоказо жараёنли технологияларни қўллашни талаб этувчи тизимлар ва бошқалар) бошқарувнинг юксак даражаси, ходимларнинг малакаси, инновацион ечимларни амалга ошириш имкониятини берувчи замонавий ускуна ва технологияларни келтириш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, бугунги кунда, саноат корхоналарини барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганлигига қарамай, саноат корхоналарида бир қатор ички муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур ҳолат саноат корхоналарини стратегик ривожлантириш вазифаларини

амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий хомашёларнинг етишмаслиги натижасида хориждан импорт қилиниши;
- саноат корхоналарида молиявий ресурсларнинг самарали бошқаруви тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида тўла қувват билан ишламаслиги;
- банкдан олинган хорижий валютадаги кредитлар учун фоиз тўловлари валюта курсларининг ошиб кетиши ҳисобига ортиши ва валюта курсидаги фарқлардан зиён кўриш;
- дебиторлик қарзлари ўз муддатида ундирилмаслиги, тузилган шартномаларнинг бажарилишини тўлиқ назоратга олмаслик, менежмент ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлик ва айланма маблағларнинг етишмаслиги;
- саноат корхоналарида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги натижасида, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ошиб кетиши ва сифати пастлиги;
- жаҳон бозорида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга глобал инқироз оқибатида талаб пасайиб кетиши;
- бюджет ва бошқа тўловлар бўйича ўз вақтида тўланмаган кредиторлик қарзлари учун пеня ва жарималар ортиб бориши.

Баъзи ҳолатларда саноат корхоналарини барқарор ишламаслигига ташқи ва ички омиллар биргаликда таъсир кўрсатади, ва мазкур муаммолар йирик саноат корхоналарида юзага келмоқда. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиши лозим. Чунки саноат тармоғидаги муаммоларнинг

бартараф этилиши мамлакат иқтисодиётини бундан юқори чўққиларни забт этиши учун бирламчи омил бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, мамлакатимизда саноат корхоналари рақобатдошлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида инновацион маҳсулотлар салмоғини ошириш, маҳсулотларнинг энергия сиғимини камайтириш йули билан саноат маҳсулотларининг рақобат бардошлигини кескин кўтариш. Ҳозирги даврда республикамиз саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновация маҳсулотларининг салмоғи анча паст бўлиб, бор-йўғи 15-17 фоизни ташкил этмоқда.

2. Саноат корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш, улар пул оқимининг барқарорлигини ошириш мақсадида, мазкур корхоналарнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш. Бунинг учун саноат корхоналарига хизмат кўрсатадиган тижорат банкларининг устав капиталида давлатнинг ҳиссасини ошириш ва ушбу маблағлар ҳисобидан саноат корхоналарини имтиёзли кредитлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

3. Саноат корхоналарида нархларнинг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан юқори бўлишига йўл қўймаслик мақсадида биринчидан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар миқдорининг ўсиш суръати меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатидан юқори бўлишининг олдини олиш ва иккинчидан, табиий монополия ҳисобланадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи ўсишига нисбатан иқтисодий нормативлар жорий қилиниши лозим. Мазкур иқтисодий нормативлар табиий монополиялар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати саноат маҳсулотлари баҳоларининг умумий индексидан юқори бўлишининг олдини олиш имконини бериши лозим.

4. Иқтисодиётнинг саноат тармоғида фаолият юритаётган кўшма корхоналарнинг тўла қувватда ишлашини таъминлаш. Бунинг учун:

- хориждан импорт орқали етказиб берилаётган машина ва ускуналарнинг сифатини назорат қилиш амалиётини такомиллаштириш;
- мутахассисларнинг инвестицион лойиҳалари самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни баҳолаш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш чораларини кўриш;
- кўшма корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватига таъсир килувчи омиллари ўзгаришининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш;
- маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш даражасини ошириш талаб этилади;
- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- бугунги кунда тўхтаб турган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш;
- корхоналарнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарда сифатсиз ва “омбор учун” маҳсулотлар ишлаб чиқаришни олдини олиш мақсадида янги моддий-техника базасини барпо этиш;
- янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш;
- - саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этиш чора-тадбирларини рағбатлантириш.

Қайд қилиб ўтилган чора-тадбирлар ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам иқтисодиётда саноат тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ва ЯИМдаги нисбий улушини ўстириб бориш имконини беради.

III-боб бўйича хулоса.

Корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларининг янада такомиллаштирилиши ва уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги янги самарали чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши республиканинг иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашга ва унинг ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Саноат рақобатбардошлиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш шуни кўрсатдики, шаклланган макроиқтисодий ва рақобат муҳити, илмий-техник салоҳият, халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш кўлами, инвестициялар, молия тизимининг сифати ва самарадорлиги, инфратузилманинг ҳолати, меҳнат ресурсларининг малакаси кабилар энг муҳим омиллардир.

Бозор шароитида рақобатбардошлиликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида кенг маркетинг тадқиқотларига асосланиб пухта ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси, замонавий бозор моделларининг қўлланишини назарда тутувчи (мувофиқлаштирилган кўрсаткичлар тизими, умумий сифат кўрсаткичи, сифат менежменти тизими ва ҳоказо жараёнли технологияларни қўллашни талаб этувчи тизимлар ва бошқалар) бошқарувнинг юксак даражаси, ходимларнинг малакаси, инновацион ечимларни амалга ошириш имкониятини берувчи замонавий ускуна ва технологияларни келтириш мумкин.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторини кўллаб-қувватлаш, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Чунки, саноат тармоқларида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

- Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари турли хил омилларга асосланган ўзаро боғлиқ жараёнларни ўзида намоён этади. Ушбу жараёнлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади.

- Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини ва рақобатбардошлигини оширишда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

- биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техника ва технологиялар жорий қилиниб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

- иккинчидан, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг етакчи соҳаларига йўналтириш орқали пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва улар техник жихатдан қайта қурулланади;

тўртинчидан, табиий ресурсларни қайта ишлайдиган корхоналар барпо этилади.

– Бугунги кунда стратегик аҳамиятга молик тармоқлардаги корхоналарда маънавий эскирган технологик асбоб-ускуналар ва технологияларнинг салмоғи юқориликча қолмоқда. Бу эса, иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда уларнинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масаласини янада долзарб аҳамият касб этаётганидан далолат беради. Истиқболда иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва бу йўналишда махсус дастурларни тайёрлашни тақозо этади.

– Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш дастури молиявий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирларининг кўп поғонали таркибий тузилиши ва уни ресурслар билан таъминлаш асосида ишлаб чиқиши лозим. Саноат корхонасининг молиявий барқарорлигига эришишнинг муқобил йўллари мазкур дастур тадбирларини ресурслар билан таъминлаш ва улар ўртасидаги алоқалар доирасида ўзаро боғланган бўлиши лозим.

– Корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларининг янада такомиллаштирилиши ва уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги янги самарали чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши республиканинг иқтисодий рақобатбардошлигини таъминлашга ва унинг ташқи бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

– Саноат рақобатбардошлиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш шуни кўрсатдики, шаклланган макроиқтисодий ва рақобат муҳити, илмий-техник салоҳият, халқаро меҳнат тақсимоотида

катнашиш кўлами, инвестициялар, молия тизимининг сифати ва самарадорлиги, инфратузилманинг ҳолати, меҳнат ресурсларининг малакаси кабилар энг муҳим омиллардир.

Фикримизча, мамлакатимизда саноат корхоналари рақобатдошлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

– Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида инновацион маҳсулотлар салмоғини ошириш, маҳсулотларнинг энергия сиғимини камайтириш йули билан саноат маҳсулотларининг рақобат бардошлигини кескин кўтариш. Ҳозирги даврда республикамиз саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновация маҳсулотларининг салмоғи анча паст бўлиб, бор-йўғи 15-17 фоизни ташкил этмоқда.

– Саноат корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш, улар пул оқимининг барқарорлигини ошириш мақсадида, мазкур корхоналарнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш. Бунинг учун саноат корхоналарига хизмат кўрсатадиган тижорат банкларининг устав капиталида давлатнинг ҳиссасини ошириш ва ушбу маблағлар ҳисобидан саноат корхоналарини имтиёзли кредитлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

– Саноат корхоналарида нархларнинг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан юқори бўлишга йўл қўймаслик мақсадида биринчидан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар миқдорининг ўсиш суръати меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатидан юқори бўлишининг олдини олиш ва иккинчидан, табиий монополия ҳисобланадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи ўсишига нисбатан иқтисодий нормативлар жорий қилиниши лозим. Мазкур иқтисодий нормативлар табиий монополиялар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати саноат маҳсулотлари баҳоларининг умумий индексидан юқори

бўлишининг олдини олиш имконини бериши лозим.

- Иқтисодиётнинг саноат тармоғида фаолият юритаётган кўшма корхоналарнинг тўла қувватда ишлашини таъминлаш. Бунинг учун:

- хориждан импорт орқали етказиб берилаётган машина ва ускуналарнинг сифатини назорат қилиш амалиётини такомиллаштириш;

- мутахассисларнинг инвестицион лойиҳалари самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни баҳолаш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш чораларини кўриш;

- кўшма корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватига таъсир килувчи омиллари ўзгаришининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;

- маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарда сифатсиз ва “омбор учун” маҳсулотлар ишлаб чиқаришни олдини олиш мақсадида янги моддий-техника базасини барпо этиш;

- Саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизация қилиш ҳамда корхоналарда жаҳон андозаси талаблари даражасида муваффақиятли синовдан ўтган замонавий технологияларни жадал жорий этиш;

- Ишлаб чиқаришнинг самарали диверсификациялашуви ва анъанавий тармоқлар экспортини (нефть-газ саноати, рангли металлургия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жумладан пахта толасини қайта ишлаш) таъминлайдиган хомашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштиришга қаратилган йўналишларга инновацияларни қўллаш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирокида илм-фан ютуқларини қўллаш имконияти юқори бўлган, юксак технологик лойиҳалар доирасида инновацияларни молиялаштириш фондини яратиш;

- Йирик корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва юқори технологик маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали халқаро инновацион ҳамкорликка жалб қилиш механизмларини яратиш;
- Юксак технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун божхона қонунчилиги ва маъмурчилигини такомиллаштириш;
- Корхоналарнинг молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш: sanoat тармоқлари корхоналари таркибининг молиявий менеджер ва бошқарувчилари тайёрлаш даражасини ошириш.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Адолат», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни//Халқ сўзи. 1998 йил 24 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни// Халқ сўзи. 1998 йил 20 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қонуни// Халқ сўзи. 1998 йил 21 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 9 февралдаги «Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини

ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1442-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги “Саноат тармоқлари корхоналарининг маънавий эскирган ва ейилган асбоб-ускуналарини жадал янгилашга доир қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги 115-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

15. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Тошкент, “Ўзбекистон”. -1999, 15-бет

16. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. -Т.: Ўзбекистон, 1996.

17. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

18. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Т.: Ўзбекистон, 1997.

19. Каримов И.А. Пировард мақсадимиз озод ва обод Ватан – эркин ва фаровон ҳаёт. Тошкент.2001йил. Т-8. 31бет.

20. Каримов И.А. Ватан равнақи учун бир биримиз масъулмиз. – Т.: Ўзбекистон , 2001.

21. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

22. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга ҳамжамиятимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004.

23. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

24. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

25. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

26. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2012. – 65 б.

27. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш – Т.: Ўзбекистон. 2013. – 64 б.

28. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь, №13 (5943).

29. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. «Ўзбекистон». Т.: 2015 й. 76 б.

IV. Асосий адабиётлар

30. Авчиев М. Иқтисодиётни модернизациялашда инвестицияларнинг ўрни. / Бозор, пул ва кредит. 2008. № 7. – Б. 21-23.

31. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: “Молия”, 2003. –223 б.

32. Ачилов М., Газибеков Д., Безбородов А., Котов В. Проблемы интеграции банковской системы Ўзбекистана в мировое банковское

сообщество. Молия, БФА, Ташкент, 2009. 226 с.

33. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 102 б.

34. Бекмуродов А.Ш., Сафаров Б.Ж. Қишлоқ жойларида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўналишлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 23 б.

35. Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. В 2-х т.Т.1.: учеб.курс. - Киев: Ника-Центр, Эльга, 2005. –592 с.

36. Брикхэм Ю.Ф. Энциклопедия финансового менеджмента: пер. с англ.- 5-е изд.-М.: Экономика, 2002. – 823 с.

37. Брикхем Ю., Гапенски Л. Финансовый менеджмент. В 2 т. пер. с англ. под ред. В.В. Ковалева. - СПб.: Экономическая школа, 2007. -407 с.

38. Бурханов А. Саноат корхоналарида молиявий барқарорликни таъминлаш омиллари. / Бозор, пул ва кредит. 2008. №6. – Б. 33-36.

39. Бурханов У. Давлат хариди. – Тошкент, 2010. – 160 б.

40. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: «Молия», 2010. –б. 139-147.

41. Ваҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. – Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2002. – Б. 25–26.

42. Газибеков Д.Г. Пути расширения инвестиционных возможностей и повышения результативности инвестиционных проектов. Материалы международной научно-практической конференции на тему: “Разработка, оценка эффективности и реализация инвестиционных и инновационных проектов, Ташкент, 2006г

43. Газибеков Д.Г., Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Финансовое обеспечение инвестиций в экономику Ўзбекистана. “Дом науки и техники”, Ташкент, 1995. 54 с.

44. Ғозибеков Д.Ғ. Бевосита хорижий инвестициялар. “Иқтисод ва ҳисобот” 1998, №4, 27-31 бетлар.

45. Голов Р.С. Инвестиционное проектирование: Учебник. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г.
46. Грачев А.В. Анализ и управление финансовой устойчивостью предприятия: от бух. учета к экономическому. Учеб. практ. пособие. - М.:Финпресс, 2002. -208 с.
47. Графов А.В. Оценка финансово-экономического состояния предприятия // Финансы. –М., 2001. -№7. –С.64-66
48. Джон Деверюкс и Брайн Робертс. Прямые иностранные инвестиции и благосостояние в странах с переходной экономикой: на примере Центральной Азии. “Экономическое обозрение”, №3, август 2007, 43 бет.
49. Жалилов П.Т. Энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди дисс...автореферати. –Т.:ЎзР БМА, 2007. -20 б.
50. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т.: ЖИДУ. 2009. 56-бет.
51. Зайналов Ж., Сатторов Т. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари // Молия. –Тошкент, 2010. -№2. –Б. 12-17.
52. Зубченко Л.А. Иностранные инвестиции. Учебное пособие. – М.: Книгодел, 2010 г. – 184 стр.
53. Ивасенко А.Г. Инвестиции: источники и методы финансирования. – М.:Изд.“Омега Л ”, 2009 г. – 261 стр.
54. Имомов Ҳ.Ҳ. Ўзбекистон минтақаларидаги инвестицион муҳитнинг жозибадорлик ҳолатини тавсифловчи омиллар / “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2 ноябрь, 2011 й.
55. Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ. Учебное пособие. – М.: ИНФРА – М, 2010 г. – 204 стр.
56. Коллас Б. Управление финансовой деятельностью предприятия. Пер. с франц. - М.:”Финансы”, “ЮНИТИ”, 2008. -654 с.

57. Колб Р.В., Родригес Р.Дж. Финансовый менеджмент: учебник. Пер. с 2-го англ. изд. - М.:Финпресс, 2001. – 496 с.

58. Кондратьева Е.В. Анализ финансовой устойчивости предприятия: расчет обобщающего показателя финансовой устойчивости // Экономика и социум на рубеже веков: Сб. тез. участников межвуз. науч. конф. ЧИМГУК – Челябинск, 2004. -С.157-159.

59. Крейнина М.П. Финансовое состояние предприятия: методы оценки. - М.: ДИС, 1997. - 224 с.

60. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Ўқув қўлланма. –Т.:ИQTISOD-MOLIYA, 2009. -288 б.

61. Маликов Т., Олимжонов О. Молиявий менежмент. Т.: “Академия”, 1999. –192 б.

62. Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Уқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2010. - 86-б.

63. Маматов Б.С., Шарифходжаева К.У. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар – иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омили // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2006. – Б. 336-338.

64. Моляков Д.С. Финансы предприятий отраслей народного хозяйства. - М.:Финансы и статистика, 2011. -382 с.

65. Нарзикулов М.П. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред.. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 29.

66. Насиров Э.И. Проблемы развития проектного финансирования инвестиций в Узбекистане. “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимининг ривожланиши” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: “Молия”, 2006.

67. Носиров Э.И. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва инвестициялаш объектини танлашнинг замонавий усуллари.

Иқтисодиёт ва таълим. 2003., 4-сон, 49-57 бетлар.

68. Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси. – Самарканд: СамКИ, 1996. -155 б.

69. Просветов Г.И. Инвестиции: Задачи и решения. Учебно – практическое пособие. – М.: “Альфа - Пресс”, 2009 г. – 408 стр.

70. Родионова В.М. Финансы. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 456 с.

71. Сабанти Б.М. Теория финансов. Учеб. пособие. -М.: Менеджер, 2011. –168 с.

72. Ткаченко И.Ю. Инвестиции. Учебное пособие. – М.: “Академия ”, 2009 г. – 240 стр.

73. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. –Т.:ЎЗР БМА, 2008. – 38 б.

74. Узоқов А., Носиров Э., Султанов М, Саидов Р. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги (ўқув қўлланма). Т.: “Iqtisod-moliya”, 2006. 380 б.

75. Уткин Э.А., Мырынюк И.В. Контроллинг: российская практика. - М.:Финансы и статистика, 2012. -272 с.

76. Хасанов Н., Нажбиддинов С. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. -Т.:“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. –224 б..

77. Хеддервик К. Финансовый и экономический анализ деятельности предприятий /Международная организация труда: пер. с англ. Д.П.Лукичева и А.О.Лукичевой/ под ред. Ю.Н.Воропаева. - М.: Финансы и статистика, 2011. – 192 с.

78. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилиш – миллий тараққиётимизнинг мантиқий босқичи / Илмий-оммабоп рисола.- Т.: ТДИУ, 2008, 57 б.

79. Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятий. - М.:ИНФРА-М, 2005. –343 с.

80. Финансовый менеджмент: теория и практика / Под ред. Стояновой Е.С. 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Перспектива, 2003. - 656 с.

81. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик –Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007.

82. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. – Т.:ЎзР БМА, 2008. -41 б.

83. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия–солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати. –Т.: ДЖҚА, 2005. –46 б.

84. Hahn D., Untemehmungsziele im Wandel, in: Untemehmerischer Wandel, Gomez P. / Hahn D. / Müller-Stewens G. / Wunderer R.(Hrsg), Unternehmischer Wandel. Konzepte zur organisatorischen Erneuerung – Knut Bleicher zum 65. Geburtstag, Wiesbaden, 2011. -P.59-83.

85. Küpper H.U. Notwendigkeit der theoretischen Fundierung des Controlling, in: Scherm E./Pietsch G. [Hrsg.]: Controlling - Theorien und Konzeptionen, München, 2004. -P.23-40; Weber J./Schäffer U. Controlling als Koordinationsfunktion?, in: Kostenrechnungs-praxis (krp), 44 (2000), 2, -P. 109-117.

V. Интернет сайтлари

86. www.gov.uz – (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали).

87. www.press-service.uz – (Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати).

88. www.stat.uz – (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти).

89. www.mf.uz – (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти).

90. <http://www.lex.uz> – (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).